

27  
(1345)-son  
6-iyul  
2018

# Xabar

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ

СОНДА:

**АКТ СОҲАСИ  
ТАҲЛИЛИ:**

Биринчи ярим йиллик  
натижалари ва келгуси  
вазифалар **2-бет**

**ПЕРВЫЙ ПРОШЁЛ:**

MUIC подводит итоги  
за год работы **6-бет**

**ЮБИЛЕЙ**

"Aloqaloyiha" ДУК —  
60 ёшда **7-бет**

**БИТИРУВЧИ-2018**

Азизим, ҳаётга  
ишонч билан боқ!  
**9-бет**

**ЁШ ДАСТУРЧИНИНГ  
ИШЛАНМАСИ**

саратонни эрта  
аниқлашда ёрдам  
беради **11-бет**

**МУТОЛАА**

Ўз уйим (Ҳижоя)  
**14-бет**

**ЖЧ-2018**

Нимчорак финал:  
натижалар, статистика  
ва анонс **15-бет**

### MENINGFIKRIM.UZ

Бугунгача

**70** дан зиёд петиция  
эълон қилинди.

**170** та петиция  
қайта ишлаш  
жараёнида.

Жами порталга

**1000** дан  
ошиқ жамоавий  
муражатлар келиб  
тушган, уларга

**13** мингдан зиёд  
фикр-мулоҳазалар  
қолдирилган.



**Азим АХМЕДХАДЖАЕВ:**

**“ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИГА  
ЯРИМ МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ  
МУТАХАССИС КЕРАК”**

4-5-бетлар ▶

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Азим Ахмедхаджаев билан мамлакат иқтисодиётида ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни ва роли ҳамда биз қандай қилиб Марказий Осиё АКТ соҳасидаги етакчи мамлакат бўла олишимиз ҳақида суҳбатлашдик.

▶ ТАҲЛИЛ

## БЛОКЧЕЙН

ва унинг ахборот хавфсизлигига таъсири

Ушбу мақоламизда айни вақтда долзарб бўлиб турган, дунё аҳлини ларзага келтириб, интернет пайдо бўлгандан кейинги “сейсмик” таъсир кўрсатиб келаётган ҳодиса — блокчейн ва унинг ахборот хавфсизлигига кўрсатаётган таъсири ҳақида сўз юритамиз.

Бугунги кунда интернет ривожланишнинг иккинчи босқичига ўтмоқда. Дастлаб “Бутунжаҳон ўргимчак тўри” (World Wide Web) пайдо бўлган эди. У маълумотларни тезлик билан алмашиш имконини яратди. Иккинчи босқич бизга блокчейнни — “Бутунжаҳон ҳисоб-китобини” (World Wide Ledger) туҳфа этди. Ушбу технология қимматбаҳо нарсалар билан алмашиш имконини ҳам бергани учун уни “Қимматбаҳо нарсалар ҳисобини юритиш китоби” деб ҳам номлаш мумкин. **3-бет ▶**



**ЎЗБЕКИСТОНДА  
“БЛОКЧЕЙН”  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ЖОРИЙ  
ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди.


Қарорга мувофиқ:

● Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича ваколатли орган қилиб белгиланди;

● крипто-активлар соҳасида майнинг, смарт-контрактлар, “блокчейн” технологиялари жорий қилинади;

● “блокчейн” технологияларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш соҳасида малакали кадрлар тайёрланади;

● жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги крипто-активлар айланмаси ва улардан олинган даромадлар солиққа солиш объектлари ҳисобланмайди.



## АКТ СОҶАСИ ТАҲЛИЛИ: БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК НАТИЖАЛАРИ ВА КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29 июн куни Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги бир қатор ижтимоий объектларга ташриф буюрди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган "Болгария — Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи раиси Адлен Шукри Шевкед бошчилигидаги Болгария Республикаси Халқ мажлиси делегацияси 2 июл куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида учрашув ўтказди. Болгария делегацияси шу куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш ва Инвестициялар бўйича давлат қўмиталарида ҳам музокара-лар ўтказди.

Президент Шавкат Мирзиёев 4 июл — АҚШ Мустақиллиги куни муносабати билан Президент Доналд Трампга табриқ йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 июл куни ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ёшларни маънан баркамол этиб тарбиялаш, уларни турли оқимлар ва ёт гоёлар таъсиридан асраш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Видеоселекторда мутасадди ва жойлардаги раҳбарлар жам бўлгани боис айни кунлардаги яна бир долзарб масала — ғўза парвариши билан боғлиқ чора-тадбирларга ҳам тўхталиб ўтилди. Йиғилишда 5 июлдан 5 сентябрга қадар "Ҳосилга ҳосил қўшиш долзарб икки ойлиги" эълон қилинди. Бу борада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг таклифига биноан 2018 йил 5-6 июл кунлари Остона шаҳрининг 20 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этади. Давлатимиз раҳбарининг Қозоғистонга ташрифи доирасида икки томонлама учрашувлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Инновацион ривожланиш вазирлиги Хитойнинг Чанша шаҳридаги Хай-тек миллий sanoat ривожланиш зонасининг бош директори ўринбосари Чэн Дацин бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Дўстона руҳда ўтган музокаралар якунида томонлар ҳамкорликка оид йўл харитасини тузишга келишиб олишди.



Шу йилнинг 2 июл куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Азим Аҳмедхаджаев раислигида вазирлик Хайъат кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида ахборот-коммуникация технологияларини ривожланиш ҳолати, шунингдек, соҳага хорижий сармояларнинг жалб этилиши ва инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши сарҳисоб қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 21 июн куни видеоселектор йиғилиши ўтказилгани, унда соҳаларда ва ҳудудларда инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши, хорижий сармояни жалб қилиш ва ўзлаштириш бўйича натижалар таҳлил қилингани қайд этилди. Инвестицион лойиҳаларни ишлаш чiqиши, экспертиза хулосаларини бериш, молиялаштириш ва амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш масаласи кўтарилди.

### 3G ҳамда 4G LTE

#### ривожлантирилади

Хайъат йиғилишида жорий йил бошидан бутунги кунга қадар юртимиз бўйлаб 690 км. оптик толали алоқа тармоқлари ётқизилгани, мобил операторларнинг 1004та база станцияси ўрнатилгани, уларнинг 483таси 3G ҳамда 4G LTE технологиясида хизмат кўрсатиши қайд этилди. Айни кунда юртимиз бўйлаб 24,5 минг км. оптик толали алоқа тармоқлари ўтказилган, жами 20994та база станция ўрнатилган.

### Махсус портал

#### ташkil этилади

Айтиш жоизки, вазирлик ташаббуси билан соҳага сармоя ва сармоядорларни жалб қилишга мўлжалланган махсус портал фаолияти ташkil қилинмоқда. Унда мамлакатнинг АКТ салоҳияти, мавжуд имконият ва қулайликлар, ҳукумат томонидан берилган имтиёзлар, истиқболдаги ре-

жалар, хорижлик инвесторларни қизиқтириши мумкин бўлган инвестицион муҳит тўғрисида маълумот келтирилади.

### Интернет тезлиги

#### 1,5 баробар ошди

Хайъат кун тартибига кўра, соҳада хизмат кўрсатиш кўлами ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 118,9 фоизга ошган. Халқаро интернет каналларига уланиш тезлиги сониясига 140,034 Гбит.га етган, яъни 2018 йилнинг бошига нисбатан 1,5 баробар ошган (йил бошида 94,034 Гбит/с). Шунинг билан бирга, интернет провайдерлар учун халқаро интернет каналларига уланиш нархи ўзгаришсиз қолган — 244985 сўмни ташkil қилмоқда.

### Ягона портал

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 30дан зиёд янги электрон давлат хизматлари жорий қилинди. Натижада жами хизматлар сони 101тани ташkil қилмоқда. Ягона портал орқали шу давр ичида фуқаролар томонидан хизматлардан фойдаланиш юзасидан 31 мингта ариза келиб тушган. Давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича жами аризалар сони 560 мингтани ташkil қилмоқда.

### 70дан зиёд петиция

#### эълон қилинди

2018 йилнинг апрелида жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган Meningfikrim.uz портали ишга туширилган эди. Бутунгача мазкур ресурсда 70дан зиёд петиция эълон қилинди, 170та петиция қайта ишлаш жараёнида. 1 ярим йиллик натижаларига кўра, порталда 1000дан ошiqк жамоавий мурожаатлар келиб тушган, уларга 13 мингдан ошiqк фикр-мулоҳазалар қўйилган.

Шунингдек, шу йилнинг 1 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси янги талқинда ишга туширилди. У орқали 2 миллиондан зиёд мурожаатлар келиб тушган, 1,9 млн. (98 фоиз) мурожаат қўриб чиқилган.

Меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш порталида Ўзбекистон Республикасининг 13600дан зиёд меърий ҳужжатларининг лойиҳалари эълон қилинди, уларга нисбатан фуқароларнинг 2 428дан ошiqк таклиф ва фикрлари олинди.

Биринчи ярим йилликда Mirzo Ulugbek Innovation Center (MUIIC) инновация марказига аъзо бўлиш истагини билдирган компаниялардан 176тасига аъзолик мақоми берилди. Уларнинг сони бутунги кунда 319тага етди. Бу компанияларда жами 2,6 минг нафар ходим меҳнат қилади.

### Келгуси вазифалар

Хайъат йиғилишида асосий эътибор жорий йилда амалга ошириш режалаштирилган вазифаларга қаратилди. Хусусан:

- халқаро тажриба ва ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда 2018-2021 йилларда электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш;
- MUIIC аъзолари томонидан кўрсатилаётган хизматлар улушини 2 ҳисса, экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмини 1,8 баробар ошириш;
- марказ аъзоларига янги бозорларга чиқиш имконини яратиш учун халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;
- халқаро интернет каналларининг ўтказувчанлигини 8-10 баробар ошириб, сониясига 1 Тбит.га етказиш;
- халқаро етакчи телехаусларга уланиш нуқталарини ташkil қилиш ва турли йўналишлар бўйича янги йўналишларни босқичма-босқич ташkil қилиш;
- магистрал телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш мақсадида мамлакат бўйлаб 2 минг км.лиқ оптик толали алоқа тармоқларини тортиш;
- почта алоқасини ривожлантириш ва янги хизматларни жорий қилиш юзасидан ҳукуматнинг тегишли қарорини ишлаб чиқиш.


Хайъат кенгашининг йиғилиши натижаларига кўра, соҳани истиқболда ривожлантириш чора-тадбирлари ўрин олган қарор қабул қилинди.

Вазирлик ташаббуси билан соҳага сармоя ва сармоядорларни жалб қилишга мўлжалланган махсус портал фаолияти ташkil қилинмоқда. Унда мамлакатнинг АКТ салоҳияти, мавжуд имконият ва қулайликлар, ҳукумат томонидан берилган имтиёзлар, истиқболдаги режалар, хорижлик инвесторларни қизиқтириши мумкин бўлган инвестицион муҳит тўғрисида маълумот келтирилади.

# БЛОКЧЕЙН

## ВА УНИНГ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИ

◀1-бет.



Blockchainning yangi texnologiyalari axborot xavfsizligi sohasida inqilob qiliشga xisssa qushmoqda. Bundan tashqari, blockchain texnologiyalarining ishga tuشيرilishi shaxsiy xabarlardagi, biznes va foydalaniشda ommalashgan veb-saytlardagi xamda ilovalardagi ma'lumotlarni ximoyalashga erdam beradi.

### Blockchain ўзи нима?

Blockchain — бу тизим иштирокчилари воситасиз бир-бирига активларини ишончли тарзда узатиш имконини берувчи технология. Масалан, blockchainда пул кўчирмалари ҳақидаги ёзувларни сақлаш мумкин. Криптовалюталарда айнан blockchainдан қим қимга ва қанча виртуал пул ўтказганлиги тўғрисидаги маълумотларни қайд қилиш учун фойдаланилади. Бироқ blockchainда бошқа активларни ҳам сақласа бўлади. Умуман, нимани қоғозда ёзишнинг имкони бўлса, ўша нарсаларнинг барчасини blockchainда ҳам ёзиш мумкин, фақат биргина фарқ билан — blockchainда ёзувларни алмаштириш ва сохталаштиришнинг имкони йўқ.

Blockchain ғоясининг ёрқин намунаси — Ethereum компанияси. Унга Россиянинг Коломна шаҳарчасида туғилган, ҳозирда Канадада яшовчи 19 ёшли дастурчи Виталий Бутерин асос солган. Платформа blockchainда иловалар яратиш учун мўлжалланган.

Бутунги кунда Ethereum компанияси \$703 млрд.га баҳоланмоқда.

### Blockchain технологияси қуйидаги етти тамойилдан ташкил топган:

#### 1. Тармоқ ахлитлиги

Ишонч тизимнинг ичкарисида пайдо бўлади, у ташқаридан уқтирилмайди. Иштирокчилар сўзида ҳам, ишда ҳам ростгўй бўлишди, бошқаларнинг манфаатларини ҳурмат қилишди, ўз ҳаракатларининг оқибатлари учун жавоб беришга тайёр туришди, уларнинг қарорлари шаффоф бўлади. Яхлитлик жараённинг ҳар бир босқичида қолланган ва барча иштирокчилар орасида тақсимланган бўлади, яъни бир кишига тегишли бўлмайди.

#### 2. Юканишларни тақсимлаш

Ягона ўчириш йўли мавжуд эмас. Энергоҳаражатлар бутун пиринг тармоғи бўйича тақсимланган. Иштирокчиларнинг ҳеч қайсиси тизимни ўчира олмайди. Агар марказий орган бироқ одам ёки гуруҳни блоклаб қўйса ҳам тизим ўз ишини давом эттиравелади. Агар тармоқнинг тахминан ярми тармоқ устидан назоратни қўлга киритмоқчи бўлса, қолганлар нима бўлаётганини кўриб туришди.

#### 3. Рағбат учун қиймат


Тизим барча манфаатдор томонлари тенг кўради. Сатоши Никамото иловани шундай дастурлаб қўйганки, унда дастур ривожига ҳисса қўшганлар рағбатлантириб борилади. Тармоқнинг фаол фойдаланувчиси 4 йил ўтиши билан ҳар бир якунланган блок учун 50 биткоиндан олади. Яна 4 йилдан сўнг — 25 биткоин, кейин 12,5 ва ҳ.к.

#### 4. Хавфсизлик

Тармоқнинг ҳар бир иштирокчиси шифрлашдан фойдаланиши зарур. Хавфсизлик чоралари тармоқда ўрнатилган. Улар махфийликни ва асл нусханинг сақланишини таъминлайди. Фойдаланувчида иккита калит бўлади: биттаси шифрлаш учун, яна биттаси шифрни очиш учун. Бу усул “очиқ калитлар инфратузилмаси” (PKI) номини олади.

#### 5. Шахсий маълумотлар дахлсизлиги

Одамлар шахсий маълумотларини назорат қилишлари зарур. Уларда ўзларига тегишли айнан қайси маълумотни қачон, қандай ва қайси ҳажмда тарқатиш ҳуқуқи бўлиши лозим.



6. Ҳуқуқларнинг ҳимояланганлиги

Мулдорларнинг ҳуқуқлари шаффоф ва мустаҳкамланган. Транзакция вақтининг қайд этилиши ва РКИ нафақат икки қарра ҳаражатнинг олдини олади, балки тармоқдаги ҳар бир биткоинга бўлган мулкий ҳуқуқни қайд қилади. Биз фақат ўзимизга тегишли нарсалар билан савдо қилишимиз мумкин. Биткоиндан ташқари бу ҳар қандай қимматбаҳо нарса бўлиши мумкин, шу жумладан, интеллектуал ҳуқуқни ҳам.

#### 7. Жалб этилганлик

Иқтисодиёт барча учун ишлаша, яхшироқ ишлайди. Бу кириш тўсиқларининг камайишини аёнлатади. Уяли телефони бўлган ҳар қандай киши бозорда ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи сифатида иштирок этиши мумкин. Сатоши “тўловларнинг соддалаштирилган верификацияси” усулини тақлиф қилди (SPV).

Ҳуш блокчейн технологияларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги имкониятларни қай даражада? Ушбу саволга қуйида имкон қилар батафсил жавоб беришга уриниб кўрамиз.

### Blockchain va axborot xavfsizligi masalalari

Blockchainning yangi texnologiyalari axborot xavfsizligi sohasida inqilob qiliشga xisssa qushmoqda. Bundan tashqari, blockchain texnologiyalarining ishga tuشيرilishi shaxsiy xabarlardagi, biznes va foydalaniشda ommalashgan veb-saytlardagi xamda ilovalardagi ma'lumotlarni ximoyalashga erdam beradi.

Blockchain — ўзининг илк муваффақиятли тажрибаси — биткоин орқали машҳурликка эришган нисбатан янги технология. Унинг тақрирданмас хусусиятлари бир нечта стартаплар пайдо бўлишига замин яратди, улар blockchain технологияларига ихтисослашган бўлиб, ахборот хавфсизлиги соҳасини мутлақо янги даражага кўтарди.

Blockchain — файл ёки объект билан бажариладиган ҳаракатларни файлга хос бўлган кодга шифрлашга ёрдам берадиган технология. Ушбу шифрлашни ўчириб, ўзгартириб ёки айланиб бўлмайди, бу эса, файлларнинг ёзувларини бутунлай шаффоф қилиб туради: у билан қандай транзакциялар қачон ва ким томонидан амалга оширилганлиги ҳар доим маълум бўлади.

Энг асосийси, blockchain шахсий хабарлар ҳимояси учун имконият тақдим қилади. “Obsidian” каби стартаплар чатларда, мессенжерларда ва ижтимоий тармоқларда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш учун blockchain технологиясидан фойдаланишга мўлжалланган. Ҳозирги пайтда мессенжерлардан нафақат мулоқот қилиш учун, балки тўловларни амалга ошириш учун ҳам фойдаланилаётганлиги барчага маълум. Facebook Messenger ва WhatsAppдаги заифликлар шундан иборатки, улар сийрак шифрлаш усулини қўллайдилар ва метамалумотларнинг етарли даражадаги ҳимоясини таъминламайдилар, шу жумладан, хабар юборётган одамнинг шахси, унинг электрон почтасининг манзили ва тизимга кириш учун зарур бўлган бошқа қайд маълумотларининг ҳам.

#### Ҳимояланган хабарлар

“Obsidian” мессенжери фойдаланувчиларнинг метамалумотларини blockchainдан фойдаланган ҳолда ҳимоялашни режалаштирмоқда. Фойдаланувчига мессенжерни ишлатиши учун электрон почта ёки аутентификациялашга оид ҳар қандай бошқа маълумотдан фойдаланиш зарур бўлмайди. Метамалумотлар бутун китоб бўйича тасодифий тарзда тақсимлангани учун бузилиш эҳтимоли бўлган битта нуқтада тўпланмайди. Шунингдек, “Obsidian” ичида тўлов воситаси сифатида фойдаланиш учун ўз токенини жорий қилишни режалаштириш. Тўғри, бу ҳали лойиҳа, бироқ бошқа мессенжерлар ҳам ушбу схема асосида ўз фойдаланувчиларининг маълумотларини ҳимоялашга ўтишлари мумкин.

Айни пайтда фойдаланувчиларини ҳар қандай тизимга қўшишнинг умумий усули бу — логин ва паролларни ишлатган ҳолда ягона ёндашув. Аммо REMME каби компания — қурилмалар фойдаланувчиларини аниқлаш ва уларнинг ўзгартириш ҳаракатлари блокловчиисдан фойдаланишга йўналтирилган янги ишланма тақлиф этишмоқда.

Блокловчиларнинг асосий кучи — тизимлар, файллар, умуман, маълумотлар орасидаги тасодифий алоқаларни номерлаштиришди. Пароллар одамлар томонидан йўлаб топилади, сақланади ва киритилади, демакки, одамлар томонидан хатога ҳам йўл қўйилади. REMME қурилма ва фойдаланувчи аутентификацияси вақтида йўл қўйилиши эҳтимолий хатоликларнинг олдини олишга уринади.

Ушбу компания қўрмоқчи бўлаётган хавфсиз аутентификация

механизмларининг тамойиллари тарқоқ очиқ калитлар инфратузилмасидан фойдаланишга асосланган. Очиқ калитларни номерлаштириш уларнинг ҳужумлар учун заифлик даражасини пасайтиради, паролларни бошқаринининг марказлаштирилган тизими бу ишни қилолмайди. Ҳар бир қурилмага blockchain технологиясига асосланган ўз SSL-сертификати берилади, бу қонунбузарлар сохта сертификатларни ишлатишининг олдини олади.

REMME каби стартаплар корхоналарга маълумотларни бошқариш ва ходимларига кириш ҳуқуқини берган ҳолда ўз тижорат маълумотларини анча яхшироқ ҳимоялашга имкон беради. Ички қондабузарликлар содир бўлган ҳолатларда blockchain технологияси компанияга ушбу қондабузарликни содир этган ходимни бехато топишга ёрдам беради. REMME ҳам худди Obsidian каби ишлаб чиқариш жараёнида, бироқ бундай корхоналар ҳали кўп пайдо бўлиши турган гап.

#### Кибержужумларни қайтартириш

Blockchain марказлашган серверлардаги асосий веб-сайтларга уюштирилган ҳакерлик ҳужумлари аниқлаш ва уларни қайтартириш бўйича кўп имкониятларни тақдим қилади.

Бундай ҳужумлар оқибатида PayPal, Twitter ва Spotify компанияларининг веб-сайтларига фойдаланувчиларнинг кириши тўсиб қўйилди. Муаммо шундаки, ҳозирда мавжуд DNS-серверларга хавфсизлик этишимайди, чунки улар кириш калитини қайта серверда сақлашди ва кешлашга қалдан зиёд ишонч билдиришди. Guardian ва Nebulis каби стартаплар блокчейн асосидаги калитларнинг тарқоқ тармоғи ва калит сўзлардан фойдаланиб, бу ҳолатни ўзгартиришга интилишяпти.

Охир-оқибатда, blockchain серверларни забт этиб бўлмас қалъа мисоли хакерлар ҳужумларидан ҳимоялади.

Blockchain — шубҳасиз, бу охирги ўн йилликдаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги энг истиқболли кашфиётдир. У ахборот хавфсизлиги тизимларининг ривожланишида инқилобий ўзгаришлар содир этиб, узоқ йилларга интернет хавфсизлигини таъминлашга умидимиз катта.

Шоҳрух РАҲМАТ,  
Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашувчи маркази департаменти бошлиғи

# Азим АХМЕДХАДЖАЕВ: “ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҶАСИГА ЯРИМ МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ МУТАХАССИС КЕРАК”

◀1-бет.

## Тайинлов

Мен учун янги лавозимга тайинланишим бироз кутилмаган ҳолат бўлди. Мени бунга тайёрлашмади, ҳеч ким менга “Сени яқинда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги таъинлашди”, деб айтмади.

Биз ўша пайти жамоам билан Инвестициялар буйича давлат қўмитасини ислоҳ қилиш билан шуғулланаётган эдик. Ишга анча меҳнат ва асабларимизни сарфладик ва биз, ўз тушунчамиз буйича, яхши структурага эга бўлдик. Унинг тасдиқланишига ҳозирлик кўрилатган эди. Ва шу пайтда менга “Президент сизни янги лавозимга тайинлаш буйича қарор қабул қилди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ислоҳ қилиш керак. Тизимни ўзгартира оладиган менежер, четдан одам керак”, дейишди.

Ҳақиқатан соҳада ечимини кутаётган масалалар талайгина.

## Илк қадамлар

Тан олиб айтаман, иш фаолиятимнинг уч кунни мобайнида тушқун қайфиятда юрдим. Мен учун бу соҳа бироз, ҳатто ундан ҳам кўпроқ, бегона эди. Умуман бошқа соҳа. Мени ҳар доим техникага қизиққанам кўтарди, бу соҳада “заиф” эмасман, тажрибали компютер фойдаланувчисиман, дастурлаш ҳақида бошланғич билимларга эгаман, компютерларни йиғиб тера оламан. Мен учун бу муаммо эмас. Бу, қўйинчиликлар бўлса, мен яхши кўрадиган йўл.

Мен бу ерда узоқ йиллардан бери ишлаётган мутахассислар, соҳанинг етакчилари билан мулоқот қила бошладим. Секин-аста вазирликда кечадиган жараёнлар, асосий ҳамда иккинчи даражали йўналишлар билан таниша бошладим. Ижтимоий тармоқларда вазирлик ҳақида нималар дейишларини, қайси муаммолар одамларни ташвишга солишини, қайси хизматлардан уларнинг кўнгли тўқлиги ва қайсиларидан норози эканликларини ўрганишга киришдим. Вазирлик ичкарисидан нималар юз бераётгани ва уни фойдаланувчи қандай қабул қилаётганини тушунишга ҳаракат қилдим.

Фихримча, кадрларни тўғри

тайёрламасдан бу соҳа мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга эмас.

## Тўрт фоиз

Биз ўз олдимизга етарли даражада мураккаб вазифа қўйдик: Ахборот технологияларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушини 4 фоизга етказиш. Бунинг учун кадрларни сафарбар этиш, ҳозирда фаолият юритаётган мутахассисларни сақлаб қолиш ва янгиларини тарбиялаш зарур.

Шунинг учун эътибор аввал бошида ноқўшимчи тизимнинг таълим йўналишига қаратилган.

Ислоҳ қилишнинг дастлабки, асосий босқичи мен учун таълим соҳасидаги ислоҳот бўлди. Вазирлик қошидаги Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ), шунингдек Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети, қайта тикланган ахборот технологиялари йўналишидаги фанларни чуқурлаштирилган тартибда ўргатишга ихтисослаштирилган Мухаммад ал-Хоразмий номлидаги махсус мактаб. Ушбу мактабга давлат раҳбари алоҳида эътибор қаратмоқда.

Тушунишимча, кадрларни тўғри тайёрлайдиган тизимга эга бўлмаган соҳа умуман мавжуд бўлишга ҳаққи йўқ. Бундай соҳанинг кераги ҳам йўқ. Мени ТАТУдаги кадрлар тайёрлаш даражаси умуман қониқтирмайди. У ерда назария яхши ўргатилади, бироқ амалиёт йўқ. Талабалар ўрганаётган билимларини ҳеч қачон қўлай олмайди. Кейинчалик, ҳаёт уларни тажриба билан юзлаштиришга эса мослашиш жараёни қийин кечади. Ҳеч бўлмаганда, улар бошланғич даражадаги амалиётни ўташлари керак. Биринчи босқичдан назарияни амалиёт билан боғлаш лозим. Робототехника, тармоқлар қуриш, дастурлаш, махсус лаборатория синфлари бўлиши керак. ТАТУда улар секин-аста юзага келмоқда, бироқ биз истаганимиздек тез эмас.

## Молиялаштириш

Буларнинг ҳаммаси маблағ масаласига тегишли. Вазирлик бюджети уяли алоқа компаниялари бюджетга ажратмалари ҳисобига, давлат алоқа инспекцияси томонидан ундириладиган жарималар, лицензиялар бериш ва бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади. Бюджет етарли даражада, бироқ бизнинг узоқни кўзловчи “аждар”дек режаларимиз тезроқ амалиётга татиқ этилишини истаймиз ва шунинг учун бюджетни кўпайтиришни хоҳлаган бўлардик.

Бунинг учун ресурслар зарур. Шунинг учун мен ўзим билан банклар жамоасини олиб келдим. Улар мен юқорида айтиб ўтган ҳамма пуллар жамғариладиган фондларни бошқаради.

Улар барча ресурсларни фойда келтирадиган тарзда тақсимлашга уринмоқда.

Банкирлар масалаларини “илдизига” ўрганиш, қурилиш сметалари, инвестицион лойиҳалар, ресурсларни жойлаштириш каби мақсадларда жамғарилган маблағ-

лардан унумли фойдаланиш учун сармоялар бошқармасига ҳам олиб келдим. Маблағлардан бекор ва самарасиз фойдаланиш буйича кўплаб ҳолатлар аниқланди.

Биз пуд пулни қақирадиган ва соҳа ривожини учун ишлайдиган тизимни яратамиз.

Биз Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига берилётган топшириқларни диққат билан ўрганиб чиқамиз ва кераксиз харажатларга олиб келадиган вазифаларни ўз зиммамизга олмадик учун протокол тайёрлашда иштирок этишга ҳаракат қиламиз.

Ҳамфикрлар жамоаси менда бор: булар вазирлик ходимлари ҳамда менинг таклифимга биноан ишга келганлар. Вазирликда ишлашга кучли кадрлар, хусусан, хусусий бизнесда фаолият юритганларни ҳам жалб қилмоқдамиз. Бугун бизнесдан келган бундай мутахассислар вазирлигининг барча бўлимларида талайгина.

Улар ойлик маош учун эмас, соҳада жиддий ўзгаришлар бўлиши учун келишган.

## Мирзо Улугбек инновация маркази

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ишлаётган ёшларни ҳамда бу соҳада ишлашга ҳаракат қилаётганларни кўриб, биз Марказий Осиё ҳудудида кучли кадрлар жиҳатидан энг қудратли салоҳиятга эгамиз, деб ҳисоблайман. Уларга шунчаки ҳали талаб бўлган эмас. Шунинг учун бугунги кунда 326 резидентни бirlaштирган Мирзо Улугбек инновация маркази қисқа муддат ичида хизматлар экспортёри даражасига чиқди. 2018 йилда 12 миллион доллар атрофида даромад кўрамыз. Бу кам, аммо биз ҳали йўл бошидамыз.

Мирзо Улугбек инновация маркази доирасида солиқлардан озод этилганлиги инсонларни яратишга ундайди. Биз ўз доирамизни кенгайтирганимизда, сифатли платформа яратганимиздагина, у ёки бу компаниядан олган даромадларимиз ҳақида гапиришимиз мумкин.

## Бошқарувнинг ягона тизими

Барча вазирликлар ҳужжат айланишининг 2017 йил 1 декабрда ишга туширилган ягона умумий тизими Е-йўлда ишлайди.

Ижро интизоми бу босқичда Ҳисоб палатаси томонидан назорат қилинади. Тизимга кириб, исталган давлат мансабдор шахсининг қандай ишлаётганини кўриш мумкин.

Интизомни бажаришнинг ягона тизимида умумий фойдаланувчилари сони 15 мингдан ортиқ бўлган 300дан кўпроқ ташкилот уланган. Қоғозбозликка кетадиган вақт сезиларли даражада қисқарди. Ўзим барча топшириқларни ушбу дастурда яратаман. Биз қоғоз картотекалардан узоқлашдик ва топшириқларни бажариш муддатини назорат қила оламиз. Ҳужжатларнинг қоғоз версияларига деярли

қарамайман. Бундан ташқари, муддатлар аниқ белгилаб қўйилган. “Светофор” тизими мавжуд. Агар у ёки бу бўлим белгиланган вақтдан кечикса, тизим бу ҳақда менга хабар беради. Вазир ёки унинг ўринбосарлари нима учун бундай бўлаётганини ўрганиб, тегишли чора кўриши мумкин. Ҳурур билан айтишим мумкин, барча вазирлик ва ташкилотлар ичида ижро интизоми бажариш буйича биз биринчи ўринда турамыз.

Дастур тест тартибда ишламоқда. Уни тақомиллаштирмоқдамиз, қўшимча модуллар яратяпмиз, умуман олганда, тизим ишляпти, биз ундан фойдаланяпмиз.

Вазирлик тизимини ўзгартириш унинг тузилмасини қайта ташкил этиш устида ишляпмиз. Ҳозирча ҳужжат айланишини тўлалигича вазир ва вазир ўринбосарлари қамраб олган. Департаментлар раҳбарлари ҳам масъулиятни ўз зиммасига олиши ва сифатли қарорлар қабул қилиши керак. Биз бунга тузилмани қайта ташкил этиш эвазига эришишга уринмоқдамиз. Барча қонун ҳужжатларини қайта кўздан кечириш керак.

## Ақлли ҳукумат

Биз “Ақлли ҳукумат” дастурини амалиётга татиқ этишни бошлаймиз. Ҳукумат янада шаффоф бўлиши керак. Ҳужжат айланиши бевосита аҳоли учун ишлайдиган тизим яратиш устида ишляпмиз. Бунда фуқаролар сўрови Single Step, яъни “бир қадамлаб” амалга ошади.

Бугун фуқаролар беш даражали йўлни босиб ўтмоқда. Фуқаро ягона давлат хизматлари марказига киради, арiza беради, оператор қабул қилади, бошқа операторларга йўналтиради, улар архивга боради ёки ҳамма маълумотни йиққунга қадар бошқа ходимларга мурожаат қилади, масала ечилгунга қадар анча вақт ўтмай. Илҳоринга қадар биз ҳамма архивларни рақамлаштирамиз ва операторлар тезкор тарзда барча маълумотларни йиға олади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мақсади БМТ электрон ҳукумати ривожланиши рейтингидан ТОП-50 мамлакатлари сафига қўшилиш ва Global Open Data Index индексида ТОП-50 мамлакатлари қаторида бўлиш. 2021 йилда Ўзбекистонда пенсияга чиқадиган фуқаролар у ташкилотдан бу ташкилотга югуриб юрмайди. Ҳаммаси компютерлаштирилди ва рақамлаштирилди.

— Пенсия қачон битта тумани босиб расмийлаштирилади? Пенсияга чиқаётганлар шаҳарлараро сарсон бўлиб, ташкилотларга кўплаб маълумотнома ва ҳужжатлар излаб боришига қачон барҳам берилади?

— 2021 йилда ID-карталар яратиш топширилган, уларнинг ривожланиши бундай муаммоларга барҳам беради. Single Step ҳам йўлга қўйилди. Ўз ID-картангиздан фойдаланган ҳолда порталга кириш ва шахсий маълумотларини

“Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мақсади БМТ электрон ҳукумати ривожланиши рейтингидан ТОП-50 мамлакатлари сафига қўшилиш ва Global Open Data Indexда ТОП-50 мамлакатлари қаторида бўлиш.”



гизни киритиб, уйдан чиқмай ҳужжатлаштириш жараёнини расмийлаштирасиз: бунда фирмангизни бошқаришингиз, ҳайдовчилик гувоҳномаларини олишингиз ва хусусан пенсияни расмийлаштиришингиз мумкин.

Айтганча, менинг иккинчи асосий вазифам почта майдонини қайта тиклаш. Почта ҳозирги кунда бизда жуда абгор ҳолатда.

— **Мен Нукусдан рафиқамга откритка жўнатганимда, у Тошкентга икки ҳафтада етиб келди.**

— Биз Почта.2.0 дастурини ишга туширмоқчимиз. Пенсия тарқатишни “Халқ банки”дан қайтариб олиб, яна почтанинг зиммасига юклаймиз. Пенсиялар пенсиясини олишга бормайди. Пенсияни почтачилар тарқатиши керак. Натижада ҳамма жараённи рақамлаштирамиз. Кимга қарточка орқали пенсия олиш қудай бўлса, пенсияси қарточкага ўтказиб берилди. Ҳозирги кунда пулни нақдлаштириш бўйича муаммо йўқ. Биз шундай шароит яратамизки, ҳар бир почта бўлимида пенсионер ўзига керакли миқдорда нақд пул ечиб олиши мумкин бўлади.

— **Почтага нима бўлди? Яқинда алоқа бўлимида бўлдим. Бир аёл ишлаётган экан. Яна почта қутилари пайдо бўладими? Почтачиларга автомобил ажратиладими?**

— Биз ўз олдимизга катта мақсадларни қўйдик. Ҳозирги пайтда почта соҳасида 7000 нафар ходим ишлайди. Бу жуда кам. 1992 йилда почта соҳасида 30 миң киши ишлаган. Почта қутилари қайта тиклаймиз.

Евгений Биргернинг “Ўзбекистон почтаси” АЖ бош директори этиб тайинланиши вазиятни тубдан ўзгартириши керак. Биргер ўз вақтида “Россия почтаси” қонунчилигининг яратувчиси бўлган. Ушунда тизимнинг барча камчиликлари аниқланган. Нима ва нима учун ишлаётганини аниқлашган. Унинг жамоаси янги қонунчиликни ишлаб чиққан, ушбу қонунчилик почтага унинг Германия принципи бўйича қурилган классик ҳолатига қайтиш имконини беради. Немисларнинг интизоми эса барчага ўрнак бўла олади.

— **Мен нима учун почта бўлимига бориб, хат олишим керак?**

— Қонунчиликда почта маъноси деган тушунча йўқ. Унда биологнинг географик жойлашуви деган тушунча бор. Бўлди. Шунинг учун почта маъноси, почта индекси ва почта қутиси тушунчаларини қайта тиклаш учун қонунчиликни тубдан ўзгартирамиз. Шунингдек, почта жўнатмаларини етказиб бериш хизматини қайта тиклаймиз, автомобиллар сотиб оламиз.

Почта бутун дунёда фойда келтирмайдиган хизмат тури ҳисобланади. У ўзини ўзи қоплаш учунгина ишлайди. Биз қандай қилиб

почтани зарарига ишламайдиган корхона қилишни биламиз. Бизда собиқ иттифоқдан кейинги худудлар ичидан энг қудратли почта хизмати бўлади. Бунга мен сизга қафолатлайман. Бошқа давлатлар биздан ўрнак оладиган бўлади.

Почтачилар сонини 40 миң нафарга етказамиз. 33 мингта иш ўрни яратамиз. Почтачилар муносиб ойлик олади.

**Ақлли хавфсиз шаҳар**

Муаммога ечим топишнинг икки ёндашуви бор. Шартли равишда уларни Хитой ва Европа усули, деб аташ мумкин.

Хитойда энг муҳими жиноятчилик профилактикаси. Камералар ўрнатиш, юзни таниш. Пекинда исталган турдаги жиноят икки соатдан сўнг фож этилади.

Европада эса нафақат хавфсиз, балки ақлли шаҳар ҳақида ҳам гапириш мумкин. Энергия тежашнинг ақлли тизими, светофорлар, йўл ҳаракати. У ерда мақсад — инсонлар ҳаётини енгиллаштириш.

Ўзбекистонда икки ёндашувнинг ўртасини оламиз.

Ҳозирги кунда Nokia компанияси билан ҳамкорликда “Обод қишлоқ” дастури доирасида Навоий вилоятида Smart Village лойиҳасини амалга оширяпмиз. У ерда: ёнги хавфсизлигидан хабар берувчи тизим, кўчаларни тўри ёритиш, алоқа тизими бўлади. Бундан ташқари, Навоий вилоятида аҳоли масканлари бир-биридан узоқда жойлашган. Ҳаво тиббиёти тизимини яратамиз. Вертолёт майдонлари қурамиз. Биз бунга келамиз.

Ҳар бир қишлоқда почта бўлими бўлади. Уларда интернетдан фойдаланиш имконияти яратилади, бу ерда Ягона дарча хизматлари кўрсатилади. Компютер ва дастурлашни ўргатувчи синфлар хизматини йўлга қўямиз.

— **Сиз билан қачон Навоийга бирга бориб, кўришимиз мумкин бўлади?**

— Сўз бераман, янги йил олдида бирга бориб, буларнинг ҳаммасини амалда кўрамиз.

**Кенг поласали интернетга улушиш имкони**

“Ўзбектелеком”нинг янги жамоаси бунинг устида иш олиб бормоқда. Катта миқдорда маблағ киритилади. Бунинг учун АКТни ривожлантириш фондидан барча маблағлар йўналтирилади. Канал кенгайтирилади. Содда тил билан айтганда, биз мамлакатга ўн баробар интернет “қуюлувчи” “труба”ни кенгайтирамиз. Яна бир муаммо — бизда маълумотлар сақланадиган “бассейн” йўқ.

Биз аҳолининг реал эҳтиёжини билмаймиз. Айтилик, бутун



**Мобил алоқа**

**оқимининг зичлиги**

Ўзбекистонда мобил алоқа зичлиги чекланишининг паст (2,5 мкВт/см<sup>2</sup> дан юқори бўлмаган) кўрсаткичи амал қилади. Биз аҳоли саломатлигига салбий таъсир хавфсиз уни кенгайтиришимиз мумкин.

Томлардаги миноралар сонини қисқартирамиз, алоқа узатувчилар қувватини оширамиз. Фарб тажрибасини йўлга қўямиз. Хорижда фирмалар ретрансляторлар қуради ва уларни мобил алоқа компанияларига ижарага беради. Шунда битта томда тўртта ретранслятор ўрнатилган битта минора бўлади.

Шу тарзда уяли алоқа компанияларининг операцион харажатларини қисқартирамиз, алоқа қамровини яхшилаймиз, айрим минораларни олиб ташлаймиз.

**Вазирнинг бир дақиқаси**

— **Тасаввур қилинг, сизда мамлакат аҳолисига мурожаат қилиш учун бир дақиқа бор. Уларга нима деган бўлардингиз?**

— Мен уларга айтган бўлардимки, ҳозирда вазирликка аҳоли эҳтиёжлари ҳақида эшитишни истовчи, соҳа муаммоларини тушунадиган ва бу муаммоларни максимал қисқа муддат ичида бартараф этиш учун ҳамма нарса қилишга ҳаракат қилаётган мутахассислардан иборат янги жамоа келди.

Биз бунинг учун кўпроқ халқ билан мулоқот қиляпмиз, истеъмолчилар биздан нима кулаётганини англаш учун интерфол талбирлар ўтказишга тайёрмиз, энг яхшиларини Ўзбекистонда жорий этиш учун хорижий тажрибани ўрганмоқдамиз.

Ўзбекистон АКТ соҳасига ярим миллиондан ортиқ мутахассис керак. Ҳаммаси ҳудудда АКТ соҳасидаги етакчи мамлакат бўлиш учун қилинмоқда.

Биз Президент ва аҳоли ишончини оқлаш учун қўлимиздан келган барча ишни қиламиз.

Аминманки, бизнинг меҳнатимиздан ҳафсалангиз пир бўлмайди.

Келажак ахборот технологиялари даври. Уларни шундай ривожлантириш керакки, улар орқали инсонлар ўзи билим ва маданиятини ошириши ҳамда саломатлигини мустаҳкамлаши керак. Бу энг асосий учта омил бўлиб, улар соғлом миллат келажиги ва мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигини ошириш имконини беради.

Суҳбатдош:  
Бахтиёр НАСИМОВ,  
“Дарё” шарҳловчиси

“ Ҳар бир қишлоқда почта бўлими пайдо бўлади. Уларда интернетдан фойдаланиш имконияти яратилади, бу ерда Ягона дарча хизматлари кўрсатилади. Компютер ва дастурлашни ўргатувчи синфлар хизматини йўлга қўямиз.”



# ПЕРВЫЙ ПРОШЁЛ: MUIС ПОДВОДИТ ИТОГИ ЗА ГОД РАБОТЫ

Год назад в стране появился инновационный центр Mirzo Ulugbek Innovation Center. Указ о создании организации, которая призвана укрепить позиции республики на глобальном IT-рынке, 30 июня 2017-го подписал Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев.

Этот шаг подтвердил приверженность государства инновационной стратегии развития, подразумевающей полную перезагрузку сферы IT. Результаты реформ последних лет по внедрению информационно-коммуникационных технологий в различные сферы оказалось недостаточно для того, чтобы совершить качественный скачок. Дальнейшему развитию отрасли не способствовали и организационно-экономические условия в республике, которые характеризовались слабой конкуренцией, низким уровнем экспорта отечественных продуктов, недостаточно изученным научно-образовательным потенциалом страны.

Изучение опыта развивающихся стран, которые сделали ставку на IT и добились успеха, помогло найти выход из сложившейся ситуации. Решением стало создание Mirzo Ulugbek Innovation Center по модели белорусского Парка высоких технологий, который вывел Беларусь в 20-ку лучших стран мира по разработке заказного программного обеспечения, а его основатель Валерий Цепкало был приглашен советником по развитию MUIС.

## Особенности MUIС

Mirzo Ulugbek Innovation Center наделён правом предоставления компаниям-резидентам налоговых льгот. До 1 января 2028 года они освобождены от уплаты всех видов налогов и обязательных отчислений в государственные целевые фонды, единого социального платежа, а также таможенных платежей (за исключением таможенных сборов) на ввозимое для собственных нужд импортное оборудование по перечням, утверждаемым в установленном порядке. Ин-

новационный центр берёт на себя обязательства по созданию наиболее благоприятных условий для работы резидентов, содействию в подготовке квалифицированных кадров, увеличению объёмов производства и экспорта продукции, а также установлению бизнес-контактов через участие резидентов в международных выставках, форумах.

## Цифры и факты

MUIС начал свою деятельность в сентябре прошлого года. На сегодня прошли отбор и получили статус резидента 326 IT-компаний (в 2017 г. — 143). Общее количество сотрудников превысило 2,6 тысячи человек.

Отмечена позитивная тенденция: 81 IT-компания, ставшая резидентом центра, была зарегистрирована после его создания. Появление MUIС способствовало выходу компаний из тени и стимулировало молодых предпринимателей начать работу над собственными идеями и проектами, что положительно сказалось на сфере.

Благодаря предоставленным льготам и преференциям объём экспорта IT-продукции и услуг по итогам 2017 года достиг 6,7 млн. долларов. По предварительным расчётам в 2018 году этот показатель вырастет в два раза, а к 2021-му достигнет отметки в 30 млн. долларов в год.

## Международное сотрудничество

За год с момента создания центра интерес к его деятельности и Узбекистану в целом проявили крупные игроки IT — и инвестиционного рынков: IBM, Google, Openbucks, Thiel Capital, EPAM, Exadel Inc., Wargaming.net и другие. Руководители и топ-менеджеры компаний в разное вре-



мя посетили Ташкент с рабочими визитами. Главные цели — знакомство с IT-потенциалом страны, изучение возможностей прямого и вентурного инвестирования в IT-сферу Узбекистана, развитие IT-образования посредством открытия лабораторий и R&D-центров при ведущих технических вузах республики, налаживание сотрудничества между представителями государственного и частного сектора и внешними рынками.

К работе по расширению международных связей MUIС привлечены и посольства Узбекистана за рубежом.

Таким образом, инновационный центр создаёт благоприятную среду для обмена опытом и установления деловых контактов по всему миру, консолидирует ресурсы и усилия, которые государство и бизнес прилагают для развития IT-сферы.

## Планы на 2018 год

MUIС выделяет три важных направления деятельности в 2018 году. Они были озвучены на конференции Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Узбекистана #MITCROADMAP2018, которая прошла в мае в университете ИНХА.

● Начало строительства технопарка. Оно запланировано на второе полугодие при участии иностранных инвесторов в разрезе государственно-частного партнёрства. Технопарк станет основополагающей частью IT-инфраструктуры, в которой будут аккумулироваться такие направления, как образование, исследование, производство и оказание услуг в целом.

● Разработка и внедрение программы IT-образования. Она охватит абитуриентов,

не поступивших в вузы. К реализации программы планируется подключить резидентов, заинтересованных в подготовке кадров для себя. Молодым людям будет предложено пройти обучение на специальных профессиональных курсах, по окончании которых они получат востребованные на рынке навыки и смогут конкурировать с выпускниками учебных заведений. Те, кто наиболее ярко проявит себя во время обучения, будут трудоустроены с возмещением потраченных на учебу средств.

● Создание Центра компетенций по технологиям распределённого реестра (блокчейн). В задачи организации будет входить анализ текущей ситуации и подготовка предложений о целесообразности внедрения технологии блокчейн в те органы государственного управления, где она будет наиболее эффективна.

— Приятно видеть, как в ответ на инициативу государства, проявленную в том числе при создании MUIС, в IT-компаниях происходит переосмысление работы на всех уровнях. Меняются бизнес-процессы, подходы к деятельности — люди начинают мыслить глобально, ставят перед собой смелые цели, — отмечают в дирекции Mirzo Ulugbek Innovation Center. — Повышается престиж сферы, особенно среди молодёжи, которая в Узбекистане составляет 60% населения. В стране имеется огромный потенциал развития IT-индустрии и благоприятный климат для привлечения дополнительных иностранных инвестиций. Всё это при поддержке главы государства делает сферу жизнеспособной и перспективной, с будущим на мировой арене.

## ДАНИЯР АТАДЖАНОВ НАЗНАЧЕН ЗАМЕСТИТЕЛЕМ ДИРЕКТОРА ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ "ЭЛЕКТРОННОЕ ПРАВИТЕЛЬСТВО"

4 июля 2018 года Атаджанов Данияр Юсупбаевич был назначен заместителем директора Центра развития системы "Электронное правительство".

Представление нового заместителя Центра делали: первый заместитель министра по развитию информационных технологий и

коммуникаций Республики Узбекистан Олимжон Умаров, директор Центра развития системы "Электронное правительство" Зафар Рахматуллаев, первый заместитель директора Мурод Расулов и заместитель директора Файзулла Арипжанов, а также сотрудни-

## ЗАЛОГ УСПЕХА

## ОРГАНИЗОВАН СИСТЕМНЫЙ КОНТРОЛЬ

Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций по улучшению качества оказания услуг телекоммуникаций дано задание по разработке плана мероприятий по проведению в соответствие техническим требованиям и нормативным нормам состояние линейно-кабельного хозяйства АК "Узбектелеком".

Во исполнение данного задания, территориальным управлением Министерства, со-

вместно с территориальной инспекцией Республики Каракалпакстан и АК "Узбектелеком" на период с июня по август месяц разработан и утверждён план мероприятий по улучшению состояния линейно-кабельного хозяйства городских и районных узлов телекоммуникаций и приведению их в соответствие нормативным нормам, выполнение которого территориальной инспекцией взята под контроль.

О ходе выполнения плана за июнь месяц нынешнего года на основании полученной информации, 30 июня с участием руководителей территориальной инспекции, руководителей, ответственных работников филиала, руководителей городских и районных узлов телекоммуникации в филиале "Узбектелеком" проведено селекторное совещание, где был критически проанализирован ход выполнения данного поручения.



# USIM ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида Малайзиянинг USIM (University Sains Islam Malaysia) университетининг фан ва технологиялар факултети профессор-ўқитувчилари билан ахборот хавфсизлиги соҳасида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда USIM проректори профессор Зулқилле Ғани, фан ва технология факултети декани профессор Камаруззаман Семан, факултет декани ўринбосари Елина Моҳд Хусеини, ахборот хавфсизлиги бўлими мудири доктор Сакинаҳ Али Питчайлар иштирок этишти.

Тадбирда янги ўқув йилида ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича икки на-

фар ўқитувчи мутахассисни филиалга таклиф этиш ва USIMда битта PhD магистрни тайёрлаш тўғрисида ҳамда шу йилнинг сентябрь-октябр ойларида workshop (семинар) ташкил этишга, шунингдек, фан ва технологиялар факултети ва ТАТУ Самарқанд филиалининг илмий йўналишлари мос келган профессор-ўқитувчилари биргаликда илмий изланишлар олиб боришга, халқаро журналларда мақолалар чоп этишга ва биргаликда илмий раҳбарлик (Joint supervisor) қилишга келишиб олдилар.

Учрашувда ТАТУ Самарқанд филиалининг компютер инжиниринги ҳамда Малайзия университетининг фан ва технология факултетларида таълим ва инновацион технологиялар соҳасида олиб борилаёт-



ган фаолияти тўғрисида тақдиротлар ўтказилди.

USIM университетининг аксарият профессор-ўқитувчилари Англия ва Американинг олий ўқув юрларида таҳсил олган бўлиб, PhD ва MSc илмий унвонларига эга. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши филиал ўқитувчилари ва талабалари учун фойдали бўлиб,

уларнинг дунё миқёсида ахборот технологиялари соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, яратилган ва янгидан ишлаб чиқилган замонавий техника ва асбоб-ускуналар тўғрисида хабардор бўлишига ёрдам беради.

Тадбирда икки университет ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

## КЕЧАГИ ТАЛАБА — БУГУН МУҲАНДИС!

ТАТУ Самарқанд филиалида 2017-2018 ўқув йили битирувчиларининг малакавий ишлари тақдироти бўлиб ўтди. Филиал таркибидаги телекоммуникация технологиялари, касб таълими ҳамда компютер инжиниринги факултетларидан жами 302 нафар талаба ўз битирув малакавий ишларини ҳимоя қилди.

Ҳимояда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Нодир Эшназаров, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Самарқанд вилояти ҳудудий бўлинмаси бошлиғи Комил Раҳматов, соҳа корхоналари етакчи мутахассислари Уринбой Мавлонов, Азим Раҳмонов, Шоҳиёр Эшмирозав ва бошқалар иштирок этишти.

Ўтган ўқув йиллари давомида филиал талаба ва профессор-ўқитувчилари соҳа корхоналари мутахассислари билан бир неча мартаба учрашувлар ўтказилди. Учрашувларда Самарқанд вилоят радиотелевизион узатиш маркази директори Ф.Розиқов, ишлаб чиқариш лабораторияси бошлиғи Б.Хусеинов, "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали техник директори А.Ражаббоев, ААТСНБДИ Самарқанд вилоят ҳудудий бўлинмаси бошлиғи К.Раҳматов, "Ўзбектелеком" АК "ТТГ" филиали 4-боғланмасидан Фулом Боймуродов, "ЎзМобайл" Самарқанд филиали директори Юра Ли ва бошқалар телекоммуникация технологиялари йўналиши бўйича қизиқарли маърузалар ўқиб, талабаларнинг саволларига жавоб беришти.

Битирув ишларининг асосий

мавузулари соҳа корхоналарининг муаммолари ва долзарб масалалари асосида амалга оширилди. Кўпчилик илмий раҳбарлар соҳа корхоналари мутахассисларидан иборат эканлиги бунга яққол мисол бўла олади.

— Дастурий маҳсулотлар яратиш бўйича филиалда кўзга кўринарли ишлар амалга оширилган, — дейди биз билан суҳбатда филиал директори, физика-математика фанлари доктори профессор Абдували Холжигитов. — Самарқанд шаҳрига ташриф буюрувчи сайёҳлар учун шаҳардаги меҳмонхоналар, қадимий зиёратгоҳлар ҳамда таомхона ва рестороанлар манзиллари кўрсатилган, коммунал тўловлар ва бошқа шу каби ишлар учун қулайликлар яратиш мақсадида дастурлар ишлаб чиқилган.

Бундай долзарб ишларни филиал қўшида ташкил этилган "SamTUITSoft" дастурий маҳсулотлар яратиш маркази амалга оширмақда.

Филиалда соҳа корхоналари билан ҳамкорликда бунёд этилган, MSAN русумли мини-АТС жамланмаси, GSM стандартидаги телекоммуникация ускуналари, "Физика", 4G-LTE, "Алоқа қурilmаларининг электр таъминоти", "Электр занжирлар назарияси", "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги", "Экология ва метрология", "Электроника ва электроника асослари" бўйича ўқув-амалий



машғулот лабораториялари ҳамда Электрон ҳукумат ва Дастурчилар тайёрлаш ўқув марказлари талабалар билан доимо тавжум.

Филиалга бириктирилган 9та касб-хунар коллежи бўйича 9та ишчи гуруҳи ташкил этилган. Бу ишчи гуруҳ томонидан 12та ўқув-услубий кўрсатма чоп этилди, 500та электрон ва китоб шаклидаги ўқув адабиётлари тақдим этилди, 32та "Очиқ дарс" ва "Мастер класс" машғулотлари олиб борилди. Ўқув ва дипломолди амалиётларида 24 нафар профессор-ўқитувчи раҳбарлик қилиб, раҳбарият ва бириктирилган вакиллари иштирокида ота-оналар билан учрашувлар ўтказилди. Саккиз нафар профессор-ўқитувчи ўриндошлик ва соатбай асосда дарс ўтмоқда, кафедраларнинг 9та филиали ташкил этилган. ТАТУ Самарқанд филиали тасарруфидоги академик лицей директори филиал илмий кенгашига аъзо этиб киритилган.

Ўтган давр мобайнида филиал Электрон ҳукумат ўқув марказида Самарқанд, Бухоро, Жиззах вилояларидан жами 7110 нафар, шундан 4105 нафар аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари АКТ соҳасида малака оширилди ва уларга сертификатлар тақдим этилди. Филиал томонидан Ўзбекистон

Фанлар академияси Механика, Электроника, Физика-техника институтлари, Самарқанд давлат университети, ТАТУ, Санкт-Петербург электротехника алоқа университети, National Research Foundation of Korea, Сеул фан ва технологиялар университети (Корея), ЎзМУ, Сайнс Ислоом университети (Малайзия), Бел-фор-Монттебелиард техника университети (Франция), Новосибирск давлат университети, Мари давлат техника университети, Киев давлат университети, Москва давлат университети, Фару Алгариев университети (Португалия), ЎзФА Ядро институти билан илмий алоқалар йўлга қўйилган.

2017-2018 ўқув йилида филиал маънавий-маърифий ишлар бўлими томонидан жами 112та тадбир ўтказилди.

Бундай тадбирларнинг доимий равишда ўтказилиб борилиши филиал профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билим савиясининг янада оширишида муҳим ўрин тутапти.

Саҳифани "Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги муҳбири Абдуғафур ҲОТАМОВ тайёрлади

# АЗИЗИМ, ҲАЁТГА ИШОНЧ БИЛАН БОҚ!

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи узоқ тарихга эга. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини етук мутахассислар билан таъминлашда коллежнинг ўз ўрни, аҳамияти бор. Бу йил мазкур билим даргоҳини телекоммуникация, радиоалоқа ва почта алоқаси йўналишлари бўйича жами 515 нафар ўқувчи битиряпти. Уларнинг 21 нафари имтиёзли дипломга эга бўлишди.

Яқинда коллежда ажойиб байрам талбири ташкил этилди. Имтиёзли дипломларни ўз эгаларига топширишга бағишланган ушбу талбирга алоҳида тайёргарлик кўрилиб, мажлислар зали байрамона безатилди. Ташкир буюрган меҳмонлар — соҳа



нинг эзгу ниятларингиз амалга ошишига тилакдошман. Унутманг, кимки ҳаётга, ўз келажигига ишонч билан боқиб, қатъият билан ҳаракат қилса, ўз мақсадига, албатта, эришади.

Битирувчиларга имтиёзли дипломларни топшириш учун бежизга соҳа корхоналари вакиллари тақдир этилди. Дипломни қўлга киритгач, агар ишлаш ниятингиз бўлса, улар сизга

Байрам баҳона умрини мазкур коллеж ривожига, унинг обрўсини кўтаришга бағишлаган Зиёд Ғиёсов, Тўлқин Аҳмедов, Абдували Солиқов, Усмон Исакбоев, Зулхумор Бобоҷонова каби ўн нафар ўқитувчи коллеж маъмуриятининг ташаккурномалари топширилди.

— Халқ таълими соҳасида хизмат қилиш катта шараф, — дея ҳаяжон билан ўз миннатдорли-

ишчи-ҳодими, энг фаол китобхон ўқувчи, энг фаол гуруҳ сардори, энг фаол ташкилотчи ўқувчи, энг фаол спорт мураббийи ва спортчи ўқувчи номинациялари бўйича голиб бўлган бир гуруҳ ўқитувчилар, ходимлар ҳамда ўқувчилар ҳам муносиб тақдирланишди.

Талбир давомида фарзандларига гўзал тарбия бериб, юқори натижаларни қўлга киритишларига сабаб бўлган бир гуруҳ ота-оналар ҳам эътибордан четда қолмади. Уларга ҳам коллеж маъмуриятининг ташаккурномалари ва анвоий гуллар тақдим этилди.

Талбир давомида чехраларида қувонч жилваланаётган ўқувчилар билан суҳбатлашдик.

— Бугун ҳаётимда энг эсда қоларли, ҳаяжонли кун, — дейди телекоммуникация йўналиши бўйича имтиёзли дипломини қўлга киритган Мафтунна Зокирова. — Бу ердаги ўқимимиз давомида устозларимиз бизга касб сирларини ўргатишди, ҳам таълим-тарбия беришди. Биз улардан бир умр миннатдоримиз. Улар мени соҳага шу даражада қизиқтиришдики, мен бир умр шу соҳада қолишни истайман. Ҳозир Тошкент ахборот технологиялари университетига ўқишга киришга тайёрланман. Устозларимиз айтганидай кимда қатъият, билим бўлса, у ўз мақсадига, албатта, эришади. Мен ҳам университетга бемалол кира олишимга ишонаман. Келгусида етук мутахассис бўлиб, аҳолига сифатли телекоммуникация хизматлари кўрсатиш ниятидаман.

Ҳа, ёшлик бебаҳо неъмат бўлиш билан бирга ҳаётда ўз ўрнини топишда ўта муҳим давр ҳам ҳисобланади. Биз ҳам олам-олам орзулар билан янги ҳаёт йўлига ўтаётган коллеж битирувчиларининг пок ниятлари амалга ошишига тилакдошмиз.

Муборак МИРҚАМОЛОВА,  
"Xabar" мухбири,  
С.НАСЛЕДОВ олган  
суратлар.



корхона ва ташкилотлари вакиллари, ушбу муқаллас даргоҳда самарали меҳнат қилиб, айни пайтда кексаллик гаштини сураётган фахрий муаллимлар ва талабаларнинг ота-оналари тантанали кутиб олинди. Коллеж "Бургутлар" ҳарбий гуруҳи аъзоларининг қўлларида юртимиз байроғини ушлаган ҳолда аскарлардай шаҳдам одимлар билан кириб келиши кўнгилларга сурур бағишлади.

Талбирни очар экан, коллеж директори, иқтисод фанлари доктори Шерзод Турсунов мустақил ҳаёт рўпарасида турган битирувчиларга оқ йўл тилади ва шундай деди:

— Азизларим, вақт оқар дарё, деб бежиз айтишмайди. Кечагина мактабдан бар даргоҳга келган эдингиз, бугун эса кимдир ўқишини давом эттириш, бошқа кимдир эса соҳа корхоналарида ишлаш нияти билан катта ҳаёт остонасида турибди. Мен сизлар-

яқиндан кўмак беришадим, қўллаб-қувватлашадим.

Шундан сўнг "Ўзбектелеком" АК ижтимоий масалалар хизмати бўлими бошлиғи Хайрулла Жуманов радиоалоқа йўналиши бўйича таҳсил олган ўқувчиларга, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК бош директор маслаҳатчиси Босит Абидов телекоммуникация йўналиши бўйича бўлажак мутахассисларга ҳамда "Ўзбекистон почтаси" АЖ персонални бошқариш бўлими бошлиғи Тоҳирмурот Хўжақулов почта алоқаси йўналиши бўйича таълим олган ўқувчиларга имтиёзли дипломларни топшириб, барча битирувчиларни эришган муваффақияти билан табриклашди, ҳаётда муносиб ўрин топишларини тилашди. Эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшларга ҳар бир ишда ёрдамга тайёр эканликларини билдиришди.

гини билдирди Зиёд Ғиёсов. — Бунга ўз ҳаётим мисолида кўп бора гувоҳ бўлганман. Минг шукрки, қарга борсам собиқ ўқувчиларимни учратаман. Уларнинг менга бўлган ҳурмати, меҳрибончилиги умримга умр қўшади. Коллежнинг аҳил жамоаси менинг бу гапларимни унутмаган ҳолда янада жипслашиб, бир мақсад — келажгимиз бунёдкорларига яхши таълим-тарбия беришларини истар эдим. Бугунги ҳурмат-эътибор учун сизлардан беҳад миннатдорман. Ишда ютуқлар сизларни асло тарк этмасин.

Шу кунги ўзининг самарали фаолияти, ўқув жараёни ҳамда жамоат ишларидаги фаоллиги билан юқори натижаларга эришган ва энг яхши гуруҳ раҳбари, энг фаол китобхон ўқитувчи, энг яхши тўғарак раҳбари, энг фаол ўқитувчи, энг фаол кафедра мудири, коллежнинг энг фаол

# ҚАНДАЙ ДАМ ОЛЯПСАН, БОЛАЖОН?

Хўш, бу мавсумда “Ўзбек-телеком” АК Фаргона филиали ишчи-ходимларининг қанча фарзандини соғломлаштиришга эришилади? Саволимизга филиал цех касабакўми раиси Хусанбой Абдурахимов жавоби қуйидагича бўлди:

— Болаларимиз Қўқондаги “Коинот” ва Қувасойдаги “Ниҳол” оромгоҳларида мириқиб дам олишяпти. Бу йил бизга 140 йўлланма ажратилди. Лекин биз уюшмамиз маблаглари ҳисобидан яна 20та йўлланма сотиб олишга қарор қилганмиз. Болалар соғлиги учун ҳар қанча бўлсин, маблаг сарфласак арзийди.

Ҳа, Хусанбойда болалар тақдирини, иқболи учун масъуллиқ ҳисси ниҳоятда кучли. Буни яхши билган раҳбарият ҳам ушбу масъулиятли ишни унга ишониб топширган. Ота-оналар ҳам болаларини оромгоҳга ўзи бош бўлиб олиб борадиган ва яна қайтариб кўлларига эсон-омон топширадиган фидойи касабакўмга эҳтиромлари бекиёс.

Айни кунларда болажонлар қандай дам олишмоқда? Уларнинг кунлари мароқли кечяптими? Узундан узоқ чўзилган чораклар чарчоғи уларни тарк этдими? Соатлаб партада ўтиришлари “уйга вазифа”лар оқибатида ҳам жисмонан, ҳам руҳан толиқишлар унутилдими? Тўғарақлар фаолияти қандай йўлга қўйилган? Ётоқ жойлари, сув ҳавзалари покизами? Болаларнинг яйраб-қувнашлари учун зарур шарт-шароитлар яратилганми? Шу ва шу каби саволларга жавоб олиш учун Қувасойдаги “Ниҳол” оромгоҳида бўлдик. Юқоридаги саволларга филиал цех касабакўми раисининг ўзи қисқа ва лўнда жавоб берди:

— Мен кунда, кунора келиб, болалар ҳолидан хабар олиб турибман. Ҳаммаси жойида: таомлар рационни ҳам, покизалиқ ҳам, тўғарақлар ишидан ҳам кўнгил тўлади. Фақат, рост, баъзи маъ-



рузали тadbирлар, меннинг назаримда, чўзиб юбориляпти. 45 дақиқали дарслардан толиққан болаларга тadbирбозлиқнинг кераги бормикин асти? Зукколик, топқирлик мусобақалари, танловлар, спорт ўйинлари, сув ҳавзасида мазза қилиб сузишлар бутунлай бошқа гап. Ниҳоятда фойдали. Бола ўйнаб-қулади, чиниқали. Менинг кузатишимча, болалар смена очилиши тadbирини жуда яхши кўришади. Барча тadbирлар шунақа — кўтаринки руҳда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Буни теграимиз ўраб олган болалар ҳам жўр овозда тасдиқлашди: — Худди шундай! Зўр!

— Бўлмасам-чи, “Гулхан” тантанаси ҳаммамизга жуда ёқди. Биз бошланғичда ўқиган йилларимиздан бўён шу оромгоҳда дам оламиз, — дейишди Ислонбек Рафиқонов билан Шоҳжаҳон Шоиржоновлар. — “Костёр”да ҳамма ўзининг санъати, маҳоратини намойиш қилади. Кимдир қўшиқ айтади, кимдир рақсга тушади. Қандай қилиб ашула айтниб, рақсга тушиб кетганини билмай

ҳам қоласан.

— Яна-чи, оромгоҳнинг яна нимаси ёқди? — сўрайман. Жавоб аниқ — “Сўлим табиати, инглиз тили тўғараги машғулоти, тарбиячи ака ва опаларнинг билимдонлиги, сузиш басма-баслари...”

Яна шуниси қувончлики, аҳил дўстлар учун “Ким бўлсам экан?” масаласи қолмабди. Ажабки, бўлгуси врач-терапевт ва иқтисодчи олимнинг суҳбатини олиш гоят хузурбахш бўлар экан!

Оромгоҳда кечган унутилмас кунларнинг афзаллиқ жиҳатлари жуда кўп. Бу ҳақда набираларини кўргани қизи — 226-АТС муҳандиси Мунаввархон Ҳакимова билан келган Муножатхон Алимованинг фикри билан қизиқдик. (Муножатхон узоқ йиллар филиалда муҳандислик вазифасида ишлаб обрў қозонган, ҳозирда кексалиқ гаштини сураётган бахти бекам бувижонлардан бири).

Унинг жавоби ҳам ёқимли бўлди: — Оромгоҳ ҳам ўзига ҳос тарбия маскани. Набираларимнинг “Мусаввир” тўғарагида эришган илк ютуқлари тақдирланганидан бошим осмонга етди. Бу йил ҳам шу тўғарақда қаламлари чархланяпти. Оромгоҳ ҳаётида катта ҳикмат яширин. Болаларимиз бунда ота-онаси, бобо-бувиси ҳақида ўйлайди. Ўз имкониятлари, иқтидори, дунёқараши ҳақида фикрлайди, ўзини бошқаларга солиштиради, камчиликлари, заиф томонларини сезиб, йўқотишга ҳаракат қилади. Мурсоаи мадора, мулоқот маданияти пайдо бўлишини, кун тартиби қатъийлигини айтинг. Тан олайлик. Кроватни чиройли ҳолга келтириш, кийим бош-

ларини жой-жойига қўйиш, ўзига қараб, озода юриш кўникмасини ҳосил қилдиришда оромгоҳга етиш қийин. Хуллас, биз уйда ўрната олмаган баъзи тартибларни оромгоҳ қойиллатлади, кўниктиради. Бу тартибда пишган бола армия синовларига ҳам дош беради, эсанкираб қолмайди. Қаранг, невараларим укалари Муҳаммаддёрни қанчалар соғинишибди, укажонлари эса уларни. Кўриб турибсизларки, соғинч туйғулариди ҳам хосият кўп...

Қизалоғи Хуснидани кўргани келган 225-АТС муҳандиси Умидаҳон Умаралиева дил сўзларини баён этди:

— Қизим жуда тортинчоқ, камгап эди. Бултур “Ниҳол”дан борғач, унинг ўзгаргани дарров сезилди. Аввало меҳрибон қизга, меҳрибон сингилга айланди. Фикр-мулоҳазаларини кўрқмай дадил-дадил айтадиган бўлди. Фурсати етганда айтмай, бунинг учун биз филиалимиз раҳбариятига ҳамда касабакўмимизга, оромгоҳ тарбиячиларига ота-оналар номидан чексиз миннатдорлигимизни издор этамиз. Раҳмат.

Суҳбатимизга ошно бўлиб турган ҳамшира Нилуфархон Жўрабоева фикри эса мулоқотимизга ўзгача яқун ясади:

— Энг асосийси, оромгоҳимизда ҳар йилги мавсумда 800 нафардан кўпроқ болани соғломлаштирамиз. Улар тиниқиб, ҳорлиқ чиқариб, янги куч билан мактабга қайтадилар. Бу хайрли ишда бизнинг жамоамизнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан фахрланамиз.

Ҳафиза САЛҲОВА,  
“Хабар”нинг Фаргона  
вилоятидаги мухбири

“  
Фаргона  
вилояти бўйича  
бу йилги  
мавсумда 32  
минг нафардан  
зиёд болалар,  
шундан 20 минг  
нафар бола  
118та мактаблар  
қошидаги  
оромгоҳларда  
соғломлаштири-  
лади.”



# ЁШ ДАСТУРЧИНИНГ ИШЛАНМАСИ

## саратонни эрта аниқлашда ёрдам беради

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2018 йил 6 апрелдаги “Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси” танловини ўтказиш ҳамда Ёш мутахассислар V республика Форумини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг 2018 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш, ёшларнинг касбий интилишини қўллаб-қувватлаш, иқтидор эгаларини аниқлаб, улар маҳорати ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида жорий йилнинг апрел-июн ойларида соҳа тизимидаги ёшлар ўртасида “Энг фаол ёш дастурчи” танлови ташкил этилган эди.

Танловнинг 1-босқичи ҳудудлардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда, 2-босқичи эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ўтказилди.

Жойларда ташкил этилган танлов босқичлари ҳаққонийлигини таъминлаш, ёш мутахассислар фаолиятига алоҳида баҳо бериш бўйича “Баҳолаш мезони” ишлаб чиқилди ва ишчи комиссиялар таркиби тасдиқланди. Қатнашчилар фаолиятига баҳо беришда асосий эътибор уларнинг янги ишланма ва лойиҳаларига, уларнинг ҳаётга татбиқ қилинганлигига, самардорлиги ва илм-фаннинг замонавий натижаларини ёритувчи оригинал монографиясига, шунингдек, лойиҳа ва дастурлари асосида дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий-оммабоп китоблари чоп этилганига, инновацион ғоялари, лойиҳа ва технологиялари билан Республика инновация ярмаркасида фаол иштирок этиб, тегишли натижаларни қўлга киритганлигига, оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолалари, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маънавий етуклиги, жамоат ишларида фаол иштироки тўғрисидаги тавсияларга қаратилди. Ушбу мезонлар асосида 36 нафар номзод ҳужжатлари ҳудудий ва республика комиссиялари томонидан баҳолаб, уларнинг тўққиз нафари голиб сифатида танловнинг республика босқичида иштирок этди.

Яқинда Тошкентдаги ИНХА университетиде голибликни қўлга киритган ёш дастурчиларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Маросимда Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси А.Ишанходжаев сўзга чиқиб, голибларни муборакбод этди ва келгуси ишларида муваффақиятлар тилади.



**Ортиқ РЎЗИБОЕВ,**  
“Энг ёш фаол дастурчи” танлови республика босқичи 1-ўрин соҳиб:

— Ишланма аввалга Тошкент шаҳридаги поликлиникалар базасида жорий этилиб, синавдан ўтказилиши, кейинчалик эса оилавий шифохоналарда тиббий муаммоларни ечиш учун яратилган дастурий таъминот асосида кўрак ва бачадон бўйи саратони касаллигини эрта аниқлаш ва ечимини топишга қаратилган. Шунингдек, маълумотлар нуманаларини ҳисоблаш ва дастурий таъминотдан фойдаланиш даражасини кенгайтириш мақсадида фойдаланувчилар учун мазкур дастурий таъминотнинг батафсил тавсифи юзасидан методик қўлланмани нашр этиш кўзда тутилган.

Танловнинг республика босқичида мутлақ голибликни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг “Дастурий таъминот” кафедраси доценти в.б. Ортиқ Рўзибоев эгаллади. Унинг Республика онкология ва радиология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази билан ҳамкорликда яратилган “Маълумотлар интеллектуал таҳлили усуллари асосида кўрак беши ва бачадон бўйи саратонини ташхислаш алгоритмлари ва дастурий таъминоти” ишланмаси бу йил-

ги танловнинг энг долзарб муаммоларни ҳал этувчи лойиҳа деб тан олинди. ТАТУ Қарши филиали мустақил тадқиқотчиси Феруза Очилова иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, университетнинг Нукус филиали ассистент-ўқитувчиси Азизбек Қодировга учинчи ўрин nasib этди. Голибларга диплом, пул мукофотлари ва эсдалик совғалари топширилди. Қолган иштирокчилар ҳам диплом ҳамда совғалар билан тақдирланишди.

**Усмонов Йўлдошев,**  
“Хабар” мухбири



### ИДОРАЛАР ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

### Урганч туманида яшовчилар энди сарсон бўлишмайди

Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида”ги фармони бўйича Урганч туман давлат хизматлари марказида фуқароларнинг аризаларини қабул қилиш бошланди. Йиллар давомида ўзбошимчилик билан тикланган ноқонуний қурилмалар ва турли манший биноларни давлат рўйха-

тидан ўтказиш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қатор муаммоларни келтириб чиқараётган эди. Фармон кучга кириши билан юрдошларимиз давлат хизматлари марказларига ўз муаммоларни битилган аризалар билан мурожаат қила бошлашди. Аризаларни кўриб чиқиш юзасидан белгиланган тартибда жойларда ишлар кетмоқда.

Ғалаба қишлоғининг “Хайват” маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳамро Раҳмонов уч йилдан бери эгалик ҳуқуқини қўлга киритолмай ҳаллак эди.  
— Маҳалламдан Урганч тумани марказигача 25 километр йўл босаман. Уч йилдирки, ана шу ҳужжатни қўлга киритиш учун ҳали кадастр, ҳали солиқ, ҳуллас, идоралар ўртасида сарсон-саргардон эдим. Бу хизматдан хабар топгач тўғри шу ерга келиб ариза ёздим. Бу имкониятдан, албатта, жуда хурсандман, — деди Ҳамро Раҳмонов.

Ўзингизга маълумки, ушбу ҳуқуқни қўлга киритиш учун бир қанча идораларга мурожаат қилиниб, иш суд тартибда кўриб чиқилар, агар даъво қанотлангириса, ижро қарорини олиш учун 20 кунлаб кути-

ларди. Боз устига йўлқира ҳамда идора ва ташкилотларига тўланадиган давлат божини-ку, гапирмас ҳам бўлади. Энди бундай муаммолар бўлмайди, деб умид қиламиз. Чунки бундан буён ўзингиз истиқомат қиладиган туман давлат хизматлари марказига бориб муаммонгиз юзасидан сўровномани тўлдирасиз ва 10 иш куни ичида аризангизга жавоб оласиз. Ортиқча оворагарчиликларсиз!

— Фармон кучга кириши билан аризаларни қабул қилишни бошладик. Ҳозирча 20га яқин киши ариза топширди. Шу йўна-

лишдаги мурожаатларни 2019 йил май ойигача қабул қиламиз, — дейди туман давлат хизматлари маркази директори Улутбек Аҳмедов.

Эслатиб ўтамиз, давлат хизматлари марказларида 100 турдаги аризалар қабул қилинади. Бундай имкониятларни йўлга қўйишдан мақсад аҳолининг узогини яқин қилиш ва ҳар қандай қоғозбозликларга чек қўйишдир.

**Нилуфар ЖАБОРОВА,**  
“Хабар”нинг Ҳоразм вилоятидаги мухбири

## 12 АЛОҚА ОЛАМИДА



## СМАРТФОНЛАР

## БУ ҚУРИЛМА ҒОЛИБ БЎЛИШINI КЎПЛАР КУТМАГАНДИ

Қурилмалар устида синовлар ўтказувчи AnTuTu сервиси фойдаланувчиларни энг қаноатлантирувчи смартфонлар рейтингини эълон қилди. AnTuTu сервиси ҳисоботига кўра, Sony Xperia XZ Premium 2018 йилнинг май ойида

дунёдаги барча андронид смартфонлар орасида энг юқори рейтинг баҳосини олди.

Гарчи Sony Xperia XZ Premium энг кўп сотилувчи смартфонлар сирасига кирмаса ҳам, фойдаланувчиларнинг 96 фоизини ушбу қурилма тўлақонли қаноатлантира олган.

Рейтингда иккинчи ўринни 94 фоизлик кўрсаткич билан Meizu Pro 6 Plus банд этди. Учинчи ва тўртинчи ўринларда — Xiaomi Mi Mix 2 ва OnePlus 6. Кейин эса Samsung Galaxy S8+, Xiaomi Mi Max 2, Huawei Mate 9, Meizu X ҳамда Huawei Mate 9 Pro жойлашган.

## ХОТИРА ҚУРИЛМАЛАРИ

## БИТТА КАРТАГА 29 МИНГТА ФИЛМ СИФАДИ

Хотира карталари стандартларини ишлаб чиқувчи SD Association ташкилоти янги форматни тақдим этди: SD Ultra Capacity (SDUC) 128 ТБ сизимга эга.

Бу картага маълумотларни 985 Мб/сониягача тезликда ёзиш мумкин, бироқ шунча тезлигига қарамасдан, 128 терабайтлик картани тўлиқ тўлдиришга бир ярим сутка (36 соат) кетади. SDUC карталарига ўртача узунликдаги 29 мингта Full HD форматли филмни, ҳар бири 8 мегабайтли 16 миллионга қўшиқ-

ни ёки ҳар бири 5 мегабайтли 26 миллионга фотосуратни сиздириш мумкин. Солиштириш учун: машҳур стрим сервиси — Spotify фондидаги жами қўшиқлар сони 35 миллионга, демек, сервисдаги жами қўшиқларни ёзиб олиш учун уч дона SDUC картаси етарли.

Аммо илгор SD Express технологиялари эрта-индин пайдо бўладиган нарса эмас. Ишлаб чиқарувчилар барча расм-русумларни уддалаганича бир неча йиллар кутишимизга тўғри келади.

## ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ

## АРМАНИСТОН ҲУКУМАТИ ЎЗИДА ЧИҚАРИЛГАН КОМПЬУТЕРЛАРДА ИШЛАШГА ЎТДИ

Арманистон ҳукумати арман компютерларида ишлашга ўтди. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Никол Пашинян маълум қилган.

“Бундан бунён ҳукумат йиғилишларида Арманистонда чиқарилган

компютерлардан фойдаланилади. Мамлакатимизда юқори технологияларни ривожлантириш ҳукуматнинг истиқболдаги вазифаларидан саналади. Нафақат дастурий таъминот, балки компютер техникасига ҳам

эътибор қаратилади”, — деди Пашинян.

“Вестник Кавказа” хабар беришича, шу пайтгача ҳукумат аъзолари Apple ноутбукларидан фойдаланишарди.

## ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

## “ВИКИПЕДИЯ” ХАВФ ОСТИДА

Европарламент муаллифлик ҳуқуқлари йўриқномасини кўриб чиқиши арафасида “Википедия”нинг Европа сайтлари иш ташлаш қилди.

ТАСС хабар беришича, шу кунни латиш тилида ишловчи “Википедия” очилмаган.

“Агарда бу йўриқнома маъқулланса, у интернетдаги сўз эркинлигини бўғиб қўяди. Ахборот ҳамжамиятига қатнашувни рағбатлантириш ўрнига интернетдаги эркинликларга чеклов қўйилмоқда”, деган мазмунда латиш “Википедия”сининг барча саҳифаларида кўриниб туривчи баёнот қолдирилган. Худди шу ҳолатни италян “Википедия”сида ҳам кўриш мумкин. Италияликлар йўриқноманинг қабул қилиниши ҳатто “Википедия”ни ёпишгача олиб келиши мумкин, деб ҳисоблашапти.

Юқоридаги ҳамкабларига испан ва эстон “Википедия”ларини юритувчилар ҳам қўшилишди.

Асосий эътироз йўриқноманинг 11 ва 13-моддаларига билдириляпти. 11-модда интернет-сервислар контент ишлаб чиқарувчилар, жумладан, ОАВ билан лицензия келишуви тузиб, уларга берилмаётган ҳаволалар учун пул ўтказиб туришини кўзда туттади. 13-модда эса филтрлар ўрнатилган талаби қўйилган, уларга қараб муаллифлик ҳуқуқларига қай даражада ривож қилинаётгани кузатиб борилади.

Бундай тизим ҳозир YouTube видеохостингига (бир текис бўлмаса-да) ишлаб турибди.

Йўриқномага интернетдаги кўплаб таниқли инсонлар, жумладан, Бутунжаҳон ўрғимчак турй асосчиси Тим Бернерс-Ли ҳам қарши чиққан.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади

## ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## Жанубий корейликлар энди камроқ ишлашади

Жанубий Корея ҳафталик иш вақтини 68 соатдан 52 соатгача туширди. Ишчиларнинг вақтини иш билан ўтказишни қисқартириш бўйича 1 июлдан кучга кирган қонун лойиҳасини Миллий Ассамблея яқдиллик билан қўллаб-қувватлади. Қонун талаблари даставвал 300дан ортиқ ходими бўлган компанияларга жорий этилади. Кичик корхоналар 2020-2021 йиллардан эътиборан ушбу қонун талабларига ривож этишини бошлайди.

Умуман, Жанубий Корея Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо 37 давлат орасида ҳафтада энг кўп иш соати эга учта давлатдан бири ҳисобланади. Бу мамлакат ишчиси 2017 йилда ўртача 224 соат ишлаган. Бу ҳафтасига 38,9 соатдир.

## Дунёнинг энг бой одами ҳибсга олинди



Дунёнинг энг бой одамларидан ҳисобланган бразилиялик тadbirkor Эйке Батиста бир қатор айбловлар билан

ҳибсга олинди. Унга коррупция ва пулларни ўзлаштириш айбловлари қўйилган. Олиб борилган тергов ва суриштирувлар натижасида айблов ўз тасдиғини топгач, Рио-де-Жанейро суди уни 30 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди. Маълумотларга кўра, у олтин конини сотиб олиш учун Рио-де-Жанейро штати губернаторига 16,5 млн. доллар пора берган.

Рио-де-Жанейро штати губернатори Серхио Кабрал ҳам 16,5 млн. доллар миқдорда пора олиш эвазига битим тузгани учун айбдор, деб топилди ҳамда унга нисбатан 120 йил қамоқ жазоси белгиланди.

Эслатиб ўтамиз, 61 ёшли тadbirkor Эйке Батиста 2012 йилда 30 млрд. долларлик бойликка эга бўлгани учун Бразилиянинг энг бой одами ҳисобланган ҳамда дунёнинг энг бой ўн нафар одами рўйхатига кирган.

## Эрон президенти: АҚШнинг ядровий келишувдан чиқиши ўзига зарар

“Сурия мавзуси ҳар икки мамлакат учун қизиқиш уйғотди, биз бу мавзуну муҳокама қилдик. Бизнинг Суриядаги асосий вазифамиз ИШИД ва бошқа террорчиларга жиддий зарба бериш эди. Биз ИШИДни АҚШ ва Исроил қўллаб-қувватлашига қарамасдан, унинг устидан галаба қозона олдик”, — деди Эрон президенти Ҳасан Рўҳоний Венада Австрия канслери билан қўшма матбуот анжуманида. Эрон пре-

зиденти, шунингдек, АҚШнинг ядровий келишувдан чиқиши Вашингтоннинг ўзига зарар эканлигини, бу чиқиш ҳеч кимга фойда келтирмаслигини билдирди.

## Лаҳорда рекорд даражадаги ёмғир ёғди



Покистоннинг Лаҳор шаҳрида сўнги 38 йил ичидаги энг кучли ёғингарчилик кузатишмоқда. Рекорд даражада ёққан ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарди. Сув йўллари тўсиб қўйгани туфайли транспорт қатнови деярли тўхтаган. Табиий офат натижасида 6 киши нобуд бўлган, яна икки нафар инсон оғир жароҳат олган.

Метеорология соҳаси вакиллари берган маълумотларга кўра, келаси 24 ва 48 соат давомида ёғингарчилик янада шиддатли тус олиши мумкин. Ҳозирча эвакуация жараёни амалга оширилмапти. Бироқ, вазият шу тариқа давом этса, одамлар ҳаёти хавф остида қолади.

## Нажиб Раззоқ гаров эвазига озодликка чиқарилди

Куала-Лумпур суди томонидан ишончли суинистеъмол қилишда айбланиб 3 июл кунини ҳибсга олинган Малайзиянинг собиқ бош вазири Нажиб Раззоқ 1 миллион Малайзия ринггити (247 минг доллар) миқдоридagi гаров пули эвазига қамоқдан вақтинчалик озодликка чиқарилди. У суднинг барча мажлисларига шахсан келиш мажбуриятини олган.

Нажиб Раззоққа нисбатан айбловлар унинг ўзи тузган ва раҳбарлик қилган 1MDB давлат инвестиция фонди атрофидаги коррупцион можаро билан боғлиқ. Май ойи охирида Нажиб Раззоқ оиласига тегишли уйлар ва хонадонларда ўтказилган тинтув давомида турли валюталарда 28,6 миллион доллар нақд пул, умумий қиймати 109 миллион доллардан ортиқ заргарлик буюмлари ва чармдан тайёрланган дизайнерлик маҳсулотлари мусодала қилинган. Шунингдек, Нажиб Раззоқнинг ҳисобрақамига давлат ва хусусий корхоналар ҳисобрақамлари орқали 1MDB фондидан йирик миқдорда пул маблағлари ўтказилганлиги аниқланган.

Малайзияда расмий давлат амалдорининг ишончли суинистеъмол қилиши мансабининг суинистеъмол қилиш билан бир хил баҳоланади ва бунинг учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

У.ТОЖИБОЕВ тайёрлади

# ТУРК КУТУБХОНАЛАРИ: БИЗДАН ФАРҚИ НИМАДА?



“Кутубхона 33та давлат билан халқаро алоқалар ўрнатган ва бир қанча давлатларда китоб кўргазмалари очилган. Кўргазмаларга нодир адабиётлар қўйилган айди.”

Кейинги йилларда қўшни давлатлар билан нафақат иқтисодий, сиёсий ҳамкорлик, балки ижтимоий, маданий алоқалар ҳам ривожланди. Эларни эларга, дилларни дилларга боғлаган, онгу тафаккуримизда катта инқилоб ясаган китоб орқали дўстликни мустақамлаш ҳам юртимизнинг энг катта ютуқларидан бирига айланди. Барча касб эгалари каби ахборот-кутубхона марказлари ходимларининг ҳам чет давлатларда тажриба алмашиш мақсадида уюштирилаётган сафарлар таассуротлар билан бирга амалиётдаги иш жараёнларига ҳам ўзининг ижобий таъсирини қолдирмоқда. Бунга А.Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Рамазон Ражабовнинг Туркия универсал кутубхоналари фаолияти билан танишиш ва тажриба алмашиши юзасидан қилган сафар таассуротлари мисолида кўриш мумкин.

— Мамлакатимизда ахборот-кутубхона тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар ўзининг мевасини бераётганлигини ҳар қаламла ҳис этиш мумкин. Юртимиз раҳбарининг биргина китобхонликни рағбатлантириш борасидаги ғамхўрликлари туфайли билимга чанқоқ ёшлар ўзларининг китобга меҳр ва садоқатларини нуфузли танловларда намоён этиб, барчани ҳайратда қолдираётганлигини бугун тан олишимиз керак. Бу бизнинг ютугимиз албатта, — дейди Рамазон Ражабов.

— Туркия 81 вилоятдан ташкил топган бўлиб, 78 000 000дан ортиқ аҳолига эга. Мазкур давлатда ҳозирги кунда 22000дан ортиқ кутубхоналар фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистондан борган делегацияни тўққинлантирган, қувонтирган жиҳатлар жуда кўп бўлди. Масалан, Анқара шаҳри марказида жойлашган Туркия миллий кутубхонаси, Анқарада университетларнинг кўпчилиги ва фойдаланувчиларнинг асосий қисми ёшлар экани, кутубхонанинг умумий жамғармаси 5 миллион нусхасини ташкил этиши ҳайратланарли. Анқарада учта университетда кутубхоначи кадрлар тайёрлашни ҳам соҳага алоҳида эътибордан далолатдир.

Яна бир ўрганас арзийдиган кичик детал — кутубхонага кираверишда шкаф қўйилган бўлиб, бу кўнгли кириш китобхона кутубхона учун китоб қолдириб кетиши учун мўлжалланган.

Миллий кутубхонада босма нашрларни рақамлаштириш ишлари 2005 йилдан бошланган бўлиб, ҳозирда 10 милли-

ондан ортиқ электрон нашрлар алоҳида асарлар, журнал, газета ва қўлёзмалар мавжуд. Замонавий махсус қурилмалар асосида 450 варақли китобни қирқилмасдан рақамлаштириш учун 14-15 дақиқа вақт кетиши эътиборимизни тортди. “Кашиф” дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда олиб борилаётган ишлар натижасида адабиётларнинг қидирув тизими самарали йўлга қўйилган. Мусиқий пластинкалар сақланиши ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу ерда 5000дан ортиқ пластинкалар сақланади. 1928 йилда инглиз тилида қуйланган кўшиқлар ҳам мавжуд.

Кутубхонада газеталар сақланишига алоҳида эътибор берилади, 81 вилоятда чиқариладиган барча газеталарнинг мажбурий нусхалари олинади ва рақамлаштириб бўлгандан кейин китоб шаклига келтириб муқоваланади. Туркиядаги барча нашриётларда чиқарилган нашрлардан мажбурий нусхалар олади.

Фондни тўлдириш мажбурий нусхалар, сотиб олиш ва ҳомийлар ҳисобидан амалга оширилади. Фондга келадиган ҳар бир нашр комиссия томонидан ўрганилади ва кириш қилинади. Молия вазирилик томонидан фондни тўлдириш мақсадида бир йилда 2000000 АҚШ доллари миқдорда (8 млрд. лира) маблағ ажратилади.

Аҳолидан эски, ноёб китоблар ҳам сотиб олиниши комиссия ҳулосасидан кейин амалга оширилади. Мисол учун, бир фуқародан 1968 йилга оид фотосуратлар негативи ҳам сотиб олинган бўлиб, бу фотосуратларда Истанбул шаҳри кўчаларини ўша пайтдаги кўриниши акс эттирилган.

Фуқаролардан сотиб олинган адабиётлар фонdda бор-йўқлиги аниқланиб, нарх-наволари қўриб чиқилгандан кейин, комиссия ҳулосасига кўра сотиб олинади.

Манбаларнинг сақланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Барча манбалар, айниқса, тарихий нодир манбалар узоқ йиллар сақланиши учун махсус хоналар ҳамда қутилар қилинган.

Афшарлар, карталар, граммпластинкалар, фотосуратлар, портретлар, тангалар, лоторейлар, эски пуллар — ушбу тарихий ашёлардан тадқиқот-

чилар, соҳа бўйича илмий иш олиб боровчи ходимлар фойдаланади.

Кутубхонада 2007 йилдан овоз ёзиш студияси мавжуд бўлиб, бу шўъбада 7 нафар ходим ишлайди. Кўзи оқиз китобхоналар учун аудиокитоблар талабаларга қараб яратилади. Бу шўъбада мултимедиялар ҳам яратилади. Барча манбалар кутубхонанинг асосий серверида ва дискларда сақланади.

Овозли китобларни яратишда кўнгли китобхона ва талабалар ёрдамидан ҳам фойдаланилади, овоз берилган аудио-манбаларга дискларга кўчирилганга қадар махсус дастур асосида филтрдан ўтказилади ва комиссия ҳулосасига кўра дискларга кўчирилади.

Нодир асарлар ва қўлёзмалар бўлимида 27796 жилд арабча, туркча ва бошқа тилларда қўлёзма манбалар сақланади.

Кўп манбалар аҳолидан сотиб олинган. Барча манбаларнинг электрон нусхаси яратилган бўлиб, фойдаланиш бепул. Бу бўлимда ишлайдиган ходимларнинг барчаси илмий унвонга эга бўлган мутахассислардир. 1313 йил Бағдодда хаттолар томонидан кўчирилган Куръони каримнинг нусхаси ҳам сақланади, бундан ташқари, муқоваси қумушдан ишланган оятлар тўпламини ҳам топишингиз мумкин.

Кутубхонанинг реставрация бўлимида ноёб қадимий адабиётларни реставрация қилишга алоҳида эътибор берилади. Реставрациядан кейин китоблар даярли янги ҳолатга келади.

Анқарадаги университетларда қоғоз реставратори тайёрлаш йўналишлари ҳамда уч ойлик махсус курслар фаолият олиб боради.

Ташриф давомида Анқара Bilkent университети кутубхонасида ҳам бўлдик. Бу ерда университет талабалари, ўқитувчилари ҳамда шаҳар аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатилади. Иш вақти 8.00дан 24.00гача, имтихон пайтлари эса тунги 3.00гача ишлаши йўлга қўйилган. Бир йилда икки кун — Рамазон ва Курбон ҳайити кунлари дам олишади, холос. Умумий китоб жамғармаси бир миллиондан иборат мазкур университетда дарслар инглиз тилида олиб борилади.

Кутубхона жамғармасидан

XIV-XV асрларга тааллуқли манбалар ҳам ўрин олган бўлиб, улар сақланиши учун махсус хоналар ажратилган.

Кутубхонадаги барча тарихий манбаларнинг электрон нусхаси яратилганлиги билан янада аҳамиятлидир..

Кутубхонадан ўқитувчиларга 40та китоб тўрт ой муддатга берилади, талабаларга 15 кунга 15тагача китоб берилади, керакли мавзулар нусхасини ҳам олиш мумкин.

Буюртмалар бажарилишига алоҳида эътибор қаратилади. Сўралган адабиётлар Туркиядан топилмаса Оксфорд, Кембриж университетларидан ҳам келтирилади.

Анқара халқ кутубхонаси Анқара шаҳри четидида жойлашган бўлиб, 1972 йили қурилган. Фонд сотиб олиш ва ҳомийлар ёрдамида тўлдирилади. Кутубхонанинг умумий фонди 33193та, фойдаланувчилар сони 3716 нафар. Бир кунлик қатнов 200тани ташкил этади. Кутубхонанинг расмий веб-сайти инглиз ва турк тилларда юритилади. Худуддаги таълим муассасаларида кутубхона ҳақида доимий тақдимотлар ўтказилиб турилади. Бу кутубхонадан ён-атрофдаги аҳоли билан бир қаторда хорижий талабалар ҳам фойдаланади, талабалар аксарият ҳолларда интернетдан фойдаланиши учун келишади.

Сафар таассуротларидан кейинги ҳулоса ва тақлифларимиз ҳам бир олам. Айтиш жоизки, Туркия кутубхоналарининг илгор тажрибасини ўзимизда қўласак, мамлакатимизда ушбу соҳа ривожини янги bosқичга кўтаришга ёрдам бериши аниқ. Хусусан, олий таълим муассасаларида ахборот-кутубхона йўналишида бир қатор мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш, китоб фондини ноёб китоблар ва манбалар билан тўлдириш мақсадида аҳолидан нодир қўлёзмаларни сотиб олишга эътибор қаратиш, барча АКМларда овоз ёзиш студияларини ташкил этиш ва ахборот-кутубхона марказларида муқоваловчи бўлимлар очиш юртимизда китобга, китобхонликка кўрсатилаётган эътибор ва имтиёزلарни янада янги bosқичга кўтаришга имкон бериши шубҳасиз.

“Xabar”нинг Навоий вилоятидаги мухбири Маруся ҲОСИЛОВА ёзиб олди



Алекс Ла Гума  
(1925–1985, ЖАР)

Алекс Ла Гума жанубий африкалик ёзувчи, романлар ва кўплаб ҳикоялар муаллифи. Ирқчиликка қарши фаол курашчи. Давлат хоини деб бир неча бор қамалган. 1966 йилда Жанубий Африкани тарк этиб, кейинчалик Лондонда яшаган.

Ла Гуманинг "Тунги саргари-донлик" (1962), "Уч бора ўралган ил" (1964), "Тош ўлка" (1967), "Туманлар мавсумининг сўнгиди" (1972) романлари бир неча бор нашр этилган. 1970 йилда Ла Гума Осие ва Африка ёзувчилари уюшмаси томонидан таъсис этилган "Нилуфар" адабий мукофоти билан тақдирланган. У Осие ва Африка ёзувчилари уюшмаси Бош котибининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

# ЎЗ УЙИМ

Алекс ЛА ГУМА

(Ҳикоя)

Эрталабки куёш тоғ ёнбагини иситди, майса ва гуллардаги шудринг бирпасда қуриб қолди. Қияликда буталар, ёш қарагай ва акаслар ўсаётганди. Уларнинг устида улкан қарагай ва эманлар кўкка буй чўзганди. Тўқ яшил шох-шаббалар, зангори осмон, сариқ гранит ва кулранг оҳақтош тоғни улкан қуроқ кўрпага айлантирганди. Лекин куз келади, ундан кейин қиш бошланади, тоғ бўзаради, гуллар сўлади, тоғ бағрининг харсанг тошлари совуқ ва сирпанчиқ бўлиб қолади — энди ялангоёқ юрولмайсан. Она ер қатъиятли, бераҳм, кутиб турмайди. Ёз ўтганини сезмай қоласан.

Тош йўлдан айрилган сўқмоқ бўйлаб тепага кўтари-ларкан, Жонас гамгин ўйлар билан банд эди. Коранинг: "Қанийди қандайдир бир бошпана тополсак эди", — деган шикотомуз сўзларини эслар экан, у ўз-ўзидан уялиб кетди. Ҳа, бирор бошпана ва ўчоқсиз кун кўриб бўлмайдди. Қаёққа бош урса экан? Тоғнинг энг чўққисиди горлар бор, лекин улар шаҳардан ва тош йўлдан анча олис. Бунинг устига, Кора фарзанд кутаяпти...

Жонас бирдан тўхтаб қолди. Майсазор ўртасида қаттакон бир сув солинадиган бак ётарди. Илма-тешик ва ҳеч кимга керак бўлмагани учун ташлаб кетилганга ўхшайди. Қалин тунукадан ясалган бундай бакларни биололарнинг томларида кўриш мумкин. Бакнинг таги пачақланган бўлиб, оғиз томони улкан консерва очадиган пичоқ билан қирқиб ташланган эди. У зангланган бўлса-да, кўринишидан анча мустаҳкам эди. Бак баланд ўсган ўт-уланлар орасида ётарди. Кимдир уни тоққа олиб келган-у, шу ерда ташлаб кетган, шекилли. Ён томонида каттагина думалоқ тешиги ҳам бор эди.

— Мана сенга уй, — шивирлади ўзича Жонас. У яқинроқ бориб, бакнинг атрофини айланиб чиқди, ниҳоят, қўлини чўзиб куёш қиздирган тунукани ушлаб кўрди. Кейин чўққалаб ўтириб бакнинг ичига қаради. Унинг ички деворлари ачимтир занг билан қопланган, бурчақларига ўргимчак ин қурган, тагида сиқон қумалоқлари кўзга ташланарди.

Жонасни қувончли ҳаяжон қоплади. Юраги тез-тез ура бошлади. У тиржайиб қўйди, саргайган тишлари кўриниб кетди, панжаси билан бакнинг ёнини шапатилаб қўйди. Сўнгра атрофга кўз югуртириб чиқди. Адирни икки томондан тепалик тўсиб турарди, улар буталар ва арчагуллар билан қопланган, учинчи томондан чуқур жарлик четида қалин шохлари гавжум баланд эман ўсиб турарди. Майсазорнинг тўртинчи томонидан тоққа қараб



сўқмоқ бошланарди. Ёз куёши нурига чўмган майсазор эртақларидагидай гўзал кўринарди.

Мана, Жонас билан Кора бакка ўрнашиб олишди. Жонас эски ботинкасининг қалин пошнаси билан ўргимчакларни эзиб ташлади ва бакнинг тагини яхшилаб супуриб-сидирди. Улар — эр-хотин бакнинг зангланган деворларини қиртишлаб, тозалаб ардилар. Ниҳоят у анча тоза ва силлиқ бўлиб қолди. Кейин унга мумланган қоғоз ва картон ёпиштириб чиқдилар. Жонас ҳар куни шаҳардан турли-туман эски-тускиларни — қоп-қанор парчаларини, жулдур кийим-кечак, мева-чевалардан бўшаган қутиларни, бўш консерва банкаларини, эски газеталар тахламларини ташиб келтирарди. У шаҳар бозорида ҳаммол бўлиб ишларди. Кора қардандир дастасиз това излаб топди, тўрт галлонли машина мойининг тунука қутиси эса плита вазифасини бажарарди. Жонас тош ўчоқ ясаб берди, хотини унга бозордан олиб келган сабза-товлардан овқат тайёрларди. Ёқилган оловдан чиққан тутун кўкка ўрларди.

Жонас ходалар ёрдамида бакни ердан бироз кўтариб, тагига харсанглар қўйди. У кўпорилган тунука парчасини авайлаб эгиб, эшикка айлантирди. Думалоқ тешик эса дарча вазифасини ўтарди. Кора ҳар хил рангдор қийқимлардан парда тикди, эшик олдинга эса қанақалар эски гилам парчасини тўшади. Эр-хотин эски-туски латгалар ва қоплардан тикилган тўшақда ётишарди. Газеталардан қирқиб олинган қийқимлар билан ёпилган иккита олма ташиладиган қути жавон вазифасини бажарарди. Мана шу бакка иккита одам зўрга сиғарди, лекин барибир бу уларнинг бошпанаси — ўз уйлари эди!..

Ҳар куни Жонас бозордан бироз сабзавот олиб келарди. Бир сафар эса тош йўл ёқасидаги уйлардан бирида яшовчи аёл унга кечки овқат қолдиги ва нон бўлакларини берди!

Илиқ ёз оқшомларида тепалик устида ёнма-ён ўтириб, тош йўлдан ёзиллаб ўтиб бораётган машиналарни кузатишарди. Уларга бутун шаҳар ва юлдузлар шуъласида милтираётган денгиз кўриниб турарди. Кечалари латгалардан тикилган тўшақда бир-бирига қисилиб, ухлаб қол-гунга қадар шивирлашиб ётардилар.

Улар бак ичида ана шундай яшар эдилар. Кора ҳам тўлишиб борар, унинг кўзларида эрта баҳорда она ерни чароғон этгувчи нур чақнар эди.

Лекин бир куни катта йўлдан келаётган юк машинаси сўқмоққа қараб бурилиб, тўхтади. Ундан мош рангли полиция кийимидидаги бир неча одам тушди. Улардан бири тўппонча қинли оқ камарбандда эди. Полициячилар сўқмоқ бўйлаб тепага кўтарила бошладилар, олдинда — паст бўйли бақалоқ — тўппончали зобит борарди. Улар майсазорга етиб келганда зобит бутунлай ҳолдан тойганди. Шу боис ҳалдан ташқари газабланганди.

Жонас билан Кора полициячиларни олисланоқ кўришганди. Зобит майсазорга қадам қўйганда Жонас Корани тўсиш ниятида бир қадам олдинга босди. Иккита полициячи қўлида мисранг олиб келишарди. Жонас уларнинг мақсадини тушунди.

Зобит нафасини ростлади, атрофга кўз югуртирди ва Жонасга қараб:

— Зур ўрнашиб олибсан-ку! — деди.

Полициячилар "уйча" олдидаги ўчоққа, эшик олдидаги гилам парчасига, думалоқ дарчага тортилган пардага ҳайрат билан тикилиб

турардилар.

Жонас кўзини пирпиратиб: — Бу бизнинг уйимиз! — деди.

Зобитнинг юзи бўзарди, камарининг мис тўқаси ён томонида ўтиб кетганди.

— Ўзингни жинниликка солма! Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўрсатмасига биноан бу ерда яшаш тақиқланган, сен буни жуда яхши биласан.

У ўз одамлари томон бурилди ва буюрди:

— Қани, бошланглар!

Жонаснинг қаҳри келди, олдинга бир қадам ташлади. Лекин зобитнинг ҳайқирғиғи уни тўхтатиб қолди:

— Ҳой, сен, бошингни балога қўйма, бекорга ўт билан уйнашма! Акс ҳолда ўзингни анави қизчанг билан зиндонга ташлаймиз.

— Унда биз, сизнинг марҳаматингиз билан, қаерда яшаймиз, — тўнғиллади Жонас.

Кора унинг енгидан тортиди. — Жонас, Жонас, кераги йўқ, — деди ялиниб. — Агар сени қамаб қўйишса мен нима қиламан?

У узини йиғидан зўрга тутиб турарди, кўз олди қоронғилашди. Шу аснода иккита полициячи елкаларини бакка тираб, уни ўридан жилдиришди. Бошқа полициячилар мисранглари неча остига тикиб, кўтаришди ва у тўнтарилди. Унинг остидаги қутилар гичирлади, илгаклати парда узилиб кетди.

Жонас йиғлаб юборди, кўз ёшлари ёноқлари бўйлаб оқиб тушарди.

— Биз одамларга ўхшаб яшашга уриниб кўрдик, лекин мумкин эмас экан-да!

Зобит Жонаснинг сўзларига парво ҳам қилмади. Полициячилар яна мисранглар билан бакни юмалатиб жарлик ёқасига олиб бордилар ва итариб юбордилар. Ва у пастга қараб гўмбурлаганича думалоқ кетди. Жар тагига қулаб тушган тунука бак аччиқ инграгандай бўлди.

Полициячилар ўчоқни вайрон қилиб, тошларни турли томонга улоқтирдилар, мисранглар билан товани ва мой идишини майдалаб ташладилар. Ҳамма иш тугаллаб бўлингач, зобит яна Жонасга қаради ва тишлари орасидан тўнғиллади:

— Кечгача бу ердан қораларингни учиринглар. Бутун тоғни булгаб ташлабсизлар. Яна кўлга тушсанг, турмадан қочиб қутулолмайсан.

Жонас майсазорга кўз югуртирди. Тепкилаб ташланган ўчоқ устида қора поғалар учиб юрарди. Кора жимгина йиғларди, газаб ва қайғудан қарахт бўлган Жонас эса унинг йиғисини эшитмасди ҳам.

Полициячилар сўқмоқ бўйлаб пастга тушдилар, машинага ўтирдилар ва тош йўлга чиқиб жўнаб қолдилар.

Рус тилидан  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
таржимаси

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб

**2018-2019 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН 5-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танлов МАТЕМАТИКА, ИНГЛИЗ ТИЛИ фанларидан ёзма шаклда давлат (ўзбек) тилида ўтказилади.

Танловда иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар топширилиши керак:


1. Мактаб директори номига ариза;
2. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома нусхаси;
3. 086/У-шаклдаги тиббий маълумотнома;
4. Яшаш жойидан маълумотнома (вилоятдан келган ўқувчилар Тошкент шаҳрида яшовчи қариндошлари томонидан васийликка олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилиши шарт);
5. 3x4 ҳажмда бта фотосурат (оқ фон, мактаб формасида);
6. Ўқувчининг ўзлаштириш табели нусхаси (1-4-синф);
7. Ота ва она паспорт нусхалари;
8. Ҳужжатлар жамланмаси учун папка (кнопкали файл папкаси).

Ҳужжатларни қабул қилиш Ихтисослаштирилган мактаб биноси 1-қаватида 2018 йил 2-20 июл кунлари соат 9.00дан 17.00 га қадар амалга оширилади.

**Манзил:** Мирзо Улугбек тумани, Тепамасжид кўчаси, 4-уй.

**Телефон рақами:** 262-15-29 (қабулхона), 262-15-38 (ўқув бўлими).

Танлов Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети биносида шаффофликни таъминлаш мақсадида бевосита видеоконференциялар ўрнатилган ҳолда ИНҲА университети ва Ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчилари томонидан ўтказилади.



ЖЧ-2018.

**Нимчорак финал:  
НАТИЖАЛАР,  
СТАТИСТИКА  
ВА АНОНС**

Россияда бўлиб ўтаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг нимчорак финал босқичи ўз якунига етди. Ушбу босқичда мурасасиз ўйинларга ҳам, ўзига хос сенсациялар, пеналтилар серияларига ҳам гувоҳ бўлдик.

**НАТИЖАЛАР**

Франция – Аргентина 4:3  
Уругвай – Португалия 2:1  
Испания – Россия 1:1 (пен. бўйича 3:4)  
Хорватия – Дания 1:1 (пен. бўйича 3:2)  
Бразилия – Мексика 2:0  
Белгия – Япония 3:2  
Швеция – Швейцария 1:0  
Колумбия – Англия 1:1 (пен. бўйича 3:4).

**УМУМИЙ  
СТАТИСТИКА**

ЖЧ-2018 нимчорак финал босқичида ўтган 8та учрашувда жамоалар жами 24та гол урди. Шунда ҳар бир ўйинга Этадан гол тўғри келади.

Ушбу босқичда жами 31та сарик ва 1та қизил карточка кўрсатилди. Шунда ҳар бир ўйинга 3,9та сарик карточка тўғри келади.

**ГОЛУРАРЛАР**



Ҳарри Кейн (Англия) – 6 та.  
Криштиану Роналду (Португалия); Ромелу Лукаку (Белгия) – 4 тадан.

**АНОНС**

Чорак финал ўйинлари 2018 йил 6-7 июл кунлари бўлиб ўтади:

- Уругвай – Франция (6 июл, соат 19:00)
- Бразилия – Белгия (6 июл, соат 23:00)
- Швеция – Англия (7 июл, соат 19:00)
- Россия – Хорватия (7 июл, соат 23:00)

**Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълум қилади**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг 49-бандига мувофиқ масъулият чекланган жамият шаклидаги “SHARQ TELEKOM” кўшма корхонасининг (Тошкент ш.):

- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2015 йил 30 декабрда берилган АА серияли 0005756 рақамли;
- халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2015 йил 30 декабрда берилган АА серияли 0005757 рақамли лицензияларнинг амал қилиши унинг 2018 йил 12 апрелдаги 176-сонли ҳамда 18 июндаги 317-сонли хатларига асосан 2018 йил 1 ноябрдан тугатилади.

**“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди**

Фонд ҳисобрақамига Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 340-сонли фармойишига асосан 2018 йил 29 июнда АЖ “АЛСКОМ” СК томонидан 8 300,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушганини маълум қилади. Мазкур ҳомийлик пули жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2018 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

**“TURON ADOLAT SAVDO” МЧЖ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

“Ўзбектелеком” АК Навоий филиалининг 2018 йил 10 майдаги 53-03-28/837-сонли буюртма хатига асосан куйидаги автотранспорт воситалари очик аукцион савдоларига чиқарилмоқда:

1. 1987 йилда и/ч, д/р 85/230 GAA бўлган “ГАЗ-5205” русумли авторанспорт воситаси (носоз). Б/б – 2 954 000 сўм;
2. 1994 йилда и/ч, д/р 01/842 GBA бўлган “УАЗ-3303” русумли авторанспорт воситаси (носоз). Б/б – 4 671 000 сўм
3. 1990 йилда и/ч, д/р 11-95 НО бўлган “Трактор Т-40” русумли автотранспорт воситаси (носоз). Б/б – 3 222 000 сўм. 4.

- 1999 йилда и/ч, д/р 01/571 НВА бўлган “Авто Авия” русумли автотранспорт воситаси (носоз). Б/б – 2 954 000 сўм. 5.
- 1986 йилда и/ч, д/р 85/229 GAA бўлган “Автокран ЗИЛ-130” русумли автотранспорт воситаси (носоз). Б/б – 7 922 000 сўм. 6.
- 1987 йилда и/ч, д/р 01/170 НВА бўлган “Автокран МА3-5334” русумли автотранспорт воситаси (носоз). Б/б – 14 743 000 сўм. 7.
- 2006 йилда и/ч, д/р 85/216 GAA бўлган “Лала-21104 125-51” русумли автотранспорт воситаси (носоз). Б/б – 7 001 000 сўм. 8.
- 1995 йилда и/ч, д/р 85/218 GAA бўлган “ГАЗ-310290” русумли

автотранспорт воситаси (носоз). Б/б – 4 691 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 7 август кунин соат 11.00да ташкилотчининг савдолар залида бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2018 йил 7 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2018 йилнинг 17, 28 август ва 7, 18 сентябр кунлари соат 11.00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин соат 18.00да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 90 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини “Turon Adolat Savdo” МЧЖнинг АТБ “Туронбанк” Бухоро филиалида очилган куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000500634320001, МФО: 00111, СТИР: 304107677.

Кўшимча маълумотлар учун “Turon Adolat Savdo” МЧЖ манзили: Бухоро шаҳри, Гулчорбоғ кўчаси, 42-уй. Телефонлар: 479-38-89. Гувоҳнома: 487.


**Ўтганларнинг охираги обод бўлсин**

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда ТАТУ Қарши филиали жамоалари филиалнинг “Ахборот-таълим технологиялари” кафедраси катта ўқитувчиси

**Нодир ЗОЙИРОВНИНГ**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Яшнобод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидоги 215-мактаб томонидан Бахтиёр Холматовга 1983 йилда берилган Г№-252943 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



# ОНА ЮРТИМ — ОЛТИН БЕШИГИМ!

“Ана шу бартараф эшлаётган камчиликлардан бири юртимизда мажбурий меҳнатнинг олди олинганидир. Минг шукрки, энди шифокорни ҳам, ўқитувчини ҳам ҳеч ким шифохонадан, мактабдан ташқари ишларга жалб эта олмайди, ҳеч ким кўча тазалатмайди, пахта тердирмайди.”

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Қарорда жонажон Ватанимиз — Ўзбекистонимиз миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда демократик янгиланиш жараёнлари амалга ошириладиган бугунги кунда биз учун бебаҳо неъмат бўлган мустақилликнинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани, мамлакатимиз истиқлолини, у билан боғлиқ тарихий сана ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаш ва қадрлаш, ҳар томонлама муносиб нишонлаш ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланиб, бу йилги байрам “Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!” шиори остида нишонланиши кўрсатиб ўтилган.

Қарорни синчиклаб ўқиб чиқар эканман, миямда турфа фикрлар чарх урди, қалбимни шукроналик ҳисси чулғаб олди. Ва дилимдан ўтаётганларини қозғая тушира бошладим.

Дарҳақиқат, ўзбек тили гўзал ташбеҳларга, сермаъно сўзларга бой. Сўзлар ичра энг буюги ВАТАН сўзи, назаримда. Ватан она каби муқаддас, она каби суяк, она каби ардоқлидир. Шунинг учун ҳам Ватан ҳақида гап кетганда, она юртим, она Ватаним, деймиз ғурур билан. Зеро, онамиз бизни мана шу жаннатмонанд юртда дунёга келтирди, киндик қонимиз шу замин тупроғига томди, Ватанимиз бағрида камолга едик, эл қаторига қўшилдик. Она

юртим — олтин бешигим, деган гап бежиз дунёга келмаган ахир. Мен ҳам Ўзбекистон дея аталимиш гўзал ва бетакрор олтин бешикда вояга етган миллионлаб фарзандлардан бири эканлигим билан фахрланаман.

Бундан олтмиш бир йил муқаддам Тошкент вилоятининг боғ-роғларга бурканган қадимий Пискент туманида дунёга келдим. Отажоним Абдумуҳаммад ҳамда волидаи муҳтарамам Мухримахонлар олдий колхозчилар бўлиб, биз саккиз нафар фарзандни пешона тери эвазига топилаган нон билан вояга етказишди. Оилада катта ўғил фарзанд бўлганлигим туфайли ота-онам тортиган қийинчиликларни, бизни вояга етказиш, қийинтириш, қорнимизни тўйдириш йўлидаги машаққатларини яхши биланам.

Улар ҳали қуёш ётоғидан бош кўтармасдан туришар, отам торморқадаги ишлар, узумзоримиздаги юмушлар билан шуғулланар, онажоним ситир соғиб сут пиширар, тандирда иссиқ нон ёпиб мен ва она-укаларимга нонушта тайёрлар, сўнгра бирғаликда далага кетишарди. У ерда гўза қатор ораларини чопиб, ишлов беришар, қатор ораларини бегона ўтлардан тазалашарди. Сўнгра ёнларига бирин-кетин биз ҳам қўшилдик.

Ўтган асрнинг охириги ўн йилликларидеги пахта якка-ҳокимлиги ортидан келадиган қийинчиликларни менинг тенгдошларим яхши билишарди. Баҳорда гўзаларни ягоналаш, сўнгра чопиқ, кузда эса ҳатто декабр ойида ҳам далага бориб, қор тағидан у ер-бу ердаги гўза чаноқларидеги қолган пахталарни терганларимиз. У кунларни эсласам хўрлигим

келади. Афсуски, ҳар қанча меҳнат қилсак-да, биримиз икки бўлмаган ўшанда. Лекин етишмовчилик ва қийинчиликларга қарамасдан ота-онам бизни ўқиб, олий маълумот олишимизга ёрдам беришди, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашди.

Мен ва Сожидахон опам муаллимлик касбини танладик. Укаларимнинг бири стоматолог, иккинчиси заргар, қолганлари тadbirkorлик билан шуғулланишарди. Ҳар биримизда данғиллама уй, сўнги русумдаги машина. Агар ҳаммамиз ўз оиламиз билан ота уйига йўлсак, бир маҳалла бўлиб кетамиз ўзим. Афсуски, бу кунларни умри оғир меҳнат билан ўтган ота-онам кўра олишмади.

Бугунги ҳаёт тарзимиз, эришадиган муваффақиятларимиз ота-боболаримиз йўлида ширин жонларини фидо қилган истиқлол туфайли, албатта. Айниқса, юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг одилона сиёсати туфайли жамиятимизда кейинги йилларда юзга келган камчиликлар барҳам топаётгани умрини ёш авлод тарбиясига бағишлаган инсон сифатида мени ниҳоятда мамнун этади. Қувонмай бўладими ахир, кейинги йилларда нафақат пойтахт, балки “Обод қишлоқ” дастури асосида қишлоқларимиз ҳам кун сайин янги қиёфа касб этапти, яроқсиз ҳолга келиб қолган кўчаларга янгитдан асфалт ётқизибли, арзон уй-жойлар қуриляпти. Одамлар дарду ташвишини эшитиб, чора кўрадиغانлар кўчама-кўча, уйма-уй юришибди. Бугун аҳолининг эртанги кунимиздан умиди катта.

Ана шу бартараф этилаёт-

ган камчиликлардан бири юртимизда мажбурий меҳнатнинг олди олинганидир. Минг шукрки, энди шифокорни ҳам, ўқитувчини ҳам ҳеч ким шифохонадан, мактабдан ташқари ишларга жалб эта олмайди, ҳеч ким кўча тазалатмайди, пахта тердирмайди.

Яқинда шоғирларим — ўзим бутун умр меҳнат қилган туманимиздаги 18-мактаб муаллимлар жамоаси телефон қилиб, ўз хурсандчиликларини баён қилишди. “Устоз, энди мактаблар туман ҳокимлигига эмас, халқ таълими вазирлигига бўйсунди, — дейишди улар. — Бизда бор билим ва тажрибамизни ёш авлод тарбиясига гўлиқ сарфлашимизга имконият яратилди”. Тўғриси айтсам, уларга ҳавасим келди. Ҳақиқат қарор топган шундай даврларга етиб келганимиз учун минг қарра шукр қилдим.

Бугун мактабларда таълим олаётган болалар юртимизнинг эртанги кунни эгаларидир. Агар улар билимли, интилувчан бўлмаса, келажатимиз янада нурули, янада порлоқ бўлишига ишонмаса ва шу йўлда фидоийлик кўрсатмаса, бугунги ҳаракатларнинг ҳаммаси бекор. Республикаимиз қукумати ана шу ҳақиқатни англаган ҳолда сиёсат олиб борапти ва бу жуда тўғри йўлдир. Шу йўлдан оғишмай қадам ташласак, ота-боболаримиздан мерос шу азиз Ватан янада гуллаб-яшнайдиган, равнақ топади.

Бу йўлда барча баравар ҳаракат қилмоғи, бутун куч ва имкониятларини ишга солмоғи лозим, албатта.

**Абдумалик МАЛЛАХЎЖАЕВ,**  
олий тоифали ўқитувчи,  
Халқ таълими аълочиси

<p><b>Xabar</b></p> <p><b>МУАССИС:</b></p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: <b>Абдугани АБДУРАҲМОНОВ</b></p>	<p><b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b></p> <p><b>Азим АХМЕДҲАДЖАЕВ</b> (Ҳайъат раиси), <b>Фарҳод РЎЗИЕВ</b>, <b>Евгений БИРГЕР</b>, <b>Тулқин ТЕШАБОВЕВ</b>, <b>Лутфилло ТУРСУНОВ</b> (масъул котиб).</p>		<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b></p> <p>100105, Тошкент, Толдимуражон кўчаси, 6-уй. Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78 Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p>									
	<p>Тахририятга келган кўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нарҳда.</p>		<p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: <b>Аслиддин БҮРИЕВ</b>. Навбатчи: <b>Собит АҲАДОВ</b>.</p>									
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқарилади.</p>	<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-743 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 3221 нусха.</p>	<p><b>ISSN 2010-6424</b></p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>								
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>	<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода (0365)600-87-21</p>	<p>Жиззахда (94) 199-95-64</p>	<p>Наманганда (91) 353-71-25</p>	<p>Навоийда 225-91-10</p>	<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқандда (91)557-84-44</p>	<p>Термизда (91)235-88-68</p>	<p>Тошкентда 291-43-28</p>	<p>Урганчда (97) 211-65-05</p>	<p>Фарғонада 244-18-05</p>	<p>Қаршида (93)931-08-99</p>